ҚАРДОШЛАР МУСОБАҚАСИ — МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ИЙЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

25 ИЮЛЬ, 1982 ИЙЛ, ЯКШАНБА № 170 (2.576). Баҳоси 3 тийин.

Озарбайжон, Тожикистон ва Туркманистондан келган ўзаро текшириш бригадалари республикамиз дала ва фермаларида юбилей йили юксак социалистик мажбуриятларининг бажарилиши билан таниша бошладилар. Ҳамма жойда ишни дўстларимиз маслаҳати асосида ташкил этайлик. Мусобақадошларимизни намунали ишларимиз ва серҳосил, баравж ғўзаларимиз билан қувонтирайлик. Экинлар парваришини асло сусайтирмаган ҳолда ҳосилни йиғиб-териб олишга пухта тайёрланайлик.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ МЕҲНАТ МАРОМИ

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планининг 1982 йил биринчи ярмида бажарилиш якунлари тўғрисида СССР Марказий статистика бошқармасининг ахборотида бундай дейилади: саноатда маҳсулотнинг умумий ҳажми юзасидан ярим йиллик план бажарилди.

Ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,7 процент ўсди.

Меҳнат унумдорлиги 2 процент ошди. Ишлаб чиқаришни ўстиришнинг 77 процентига шу йўл билан эришилди. Саноат маҳсулотининг таннархи пасайди, фойда кўпайди.

Маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:

электр энергия — 686 миллиард киловатт-соат; нефть (газ конденсати ҳам шу ҳисобга киради) — 303 миллион тонна; газ — 247 миллиард куб метр; кўмир — 363 миллион тонна; пўлат — 74,5 миллион тонна; қора металлар прокати (тайёри) — 51,9 миллион тонна; темир рудаси — 120 миллион тонна; минерал ўғитлар (тўйимли моддалари 100 процентга айлантириб ҳисобланган) — 13,8 миллион тонна; ўсимликларни ҳимоя қилиш химиявий воситалари (шартли бирликларда) — 276 минг тонна; сульфат кислота — 11,7 миллион тонна; химиявий тола ва ип — 633 минг тонна; автопокришкалар 31,0 миллион дона; металл қирқиш станоклари — 1047 миллион сўмлик, шу жумладан, рақамли программа билан бошқариладиган металл қирқиш станоклари — 5,3 минг дона; темирчилик-пресслаш машиналари — 308 миллион сўмлик; программа билан бошқариладиган автомат манипуляторлар (саноат роботлари) — 2,2 минг дона; автоматлаштириш приборлари, воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари — 2,4 миллиард сўмлик; ҳисоблаш техникаси воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари — 1,4 миллиард сўмлик; нефть аппаратлари — 1,7 миллион сўмлик; химия асбоб-ускуналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари — 388 миллион сўмлик; енгил ва озиқ-овқат саноати учун технология машина-ускуналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари — 736 миллион сўмлик; автомобиллар — 1083 минг дона; қишлоқ хўжалик машиналари — 1,6 миллиард сўмлик, чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш учун машиналар — 1,1 миллиард сўмлик; ғалла комбайнлари — 54,6 минг дона, пахта териш машиналари — 5,0 минг дона, экскаваторлар 21,6 минг дона; қоғоз — 2,7 миллион тонна; цемент — 60,8 миллион тонна.

Шунингдек ҳамма турдаги газламалар — 5,6 миллиард квадрат метр; кийим-кечаклар — 12,1 миллиард сўмлик; ички ва устки трикотаж — 813 миллион дона; чарм пойабзал — 377 миллион жуфт; гўшт (саноат қўлами-да тайёрланган) — 4,3 миллион тонна; колбаса маҳсулотлари — 1,5 миллион тонна; овқатбоп балиқ маҳсулотлари, шу жумладан балиқ консервалари — 2,8 миллиард сўмлик; мол ёғи — 592 минг тонна; қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари сутга айлантириб ҳисобланганда — 13,1 миллион тонна; ўсимлик мойи — 1,3 миллион тонна; кондитер маҳсулотлари — 2,1 миллион тонна; консервалар — 5,0 миллиард шартли банка; соатлар — 35,0 миллион дона; радио приёмник қурилмалари — 4,3 миллион дона; телевизорлар 4,1 миллион дона, шу жумладан рангли телевизорлар — 1,5 миллион дона; холодильниклар — 3,0 миллион дона; кир ювиш машиналари 2,0 миллион дона; мебель — 3,3 миллиард сўмлик ишлаб чиқарилди.

Газ, кўмир қазиб олиш, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситалари, автопокришкалар, металл қирқиш станоклари, приборлар, автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси воситалари, енгил ва озиқ-овқат саноати учун технология асбоб-ускуналари, электровозлар, тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ҳамда чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш учун машиналар, экскаваторлар, халқ истеъмол қиладиган кўпгина моллар, шу жумладан газлама, кийим-кечаклар, овқатбоп балиқ маҳсулоти, кондитер маҳсулотлари, консервалар, соатлар, чинни-фаянс ва сорт ли идишлар, радиоприёмник қурилмалари, рангли телевизорлар, мебель ишлаб чиқариш юзасидан ярим йиллик план ошириб бажарилди.

Нефть ва газ конлари машина-ускуналари, магистрал газопроводларнинг компрессор станциялари учун, газ юборадиган агрегатлар, қувур етқизадиган машиналар, программа билан бошқариладиган металл ишлаш станоклари, саноат роботлари, радиоэлектроника аппаратлари, бир муча юксак техникавий-иқтисодий параметрли машиналар ва ускуналар ишлаб чиқариш анча кўпайди.

Айрим ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари маҳсулотнинг умумий ҳажми, меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот таннархини пасайтириш, жамғармалар юзасидан белгиланган планларни бажара олмадилар.

Қора металлар тайёр прокатини, минерал ўғитлар, сульфат кислота, имораткор ёғоч, цемент, йиғма темир бетон, мол ёғи, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, холодильниклар, кир ювиш машиналари ва маҳсулотнинг баъзи бир бошқа турларини ишлаб чиқариш плани бажарилмади. Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси, кўмир, электротехника саноати, оғир ва транспорт машинасозлиги министрликларининг ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари тузилган шартномалар ва ижро этишга қабул қилинган нарядларга мувофиқ истеъмолчиларга маҳсулот юборишни тўла таъминлай олмадилар.

1982 йилнинг биринчи ярмида хом ашё, материаллар, ёқилғи ва энергия тежалди. Бироқ бир қанча бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар моддий ресурсларни ортиқча ҳаражат қилишга йўл қўйдилар.

Халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида фан-техника программаларини амалга ошириш ҳамда фан ва техника ютуқларини жорий қилиш давом эттирилди. 2 миллионтага яқин ихтиро ва рационализаторлик таклифларидан фойдаланилди.

Буюмларнинг 1200 дан кўпроқ янги турлари ўзлаштирилди ва ишлаб чиқарилда бошланди. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида олий категориядаги маҳсулотнинг улуши 15 процент ошиб кетди.

Ўтган давр ичида 2 мингдан кўпроқ участка, цех, ишлаб чиқариш комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштиришга кўчирилди, 4 мингта механизациялаштирилган поток ва автомат линия ўрнатилди. Фан ва техникани ривожлантириш планининг айрим топшириқлари бажарилмай қолди.

Қишлоқ хўжалигида кўкламги дала ишлари ўз вақтида ўтказилди. Дастлабки маълумотларга кўра, 1982 йилда экиладиган қишлоқ хўжалик экинларининг экин майдонлари 214,1 миллион гектарни ташкил этди.

Донли экинлар ва дуккакли дон экинлари 123,9 миллион гектарга экилди. Жавдар, тариқ, шоли, дон учун маккажўхори, соя, чигит, узун толали зигир, сабзавот, озуқабоп экинлар экиладиган майдонлар ўтган йилдагига нисбатан кенгайтирилди.

Сугориладиган ва захи қочирилган ерлардаги экинзорлар кўпайди.

Қишлоқ хўжалик экинларини илғор технология асосида етиштириш янада кенг ёйилди.

Мамлакатнинг кўпгина районларида донли экинларнинг ўрим-йиғими авж олдириб юборилди. Дағал ем-хашак ва ширали ем-хашак тайёрлаш кенг кўламда олиб борилмоқда.

Чорва мол ва парранда, сут харид қилиш плани тўлиқ бажарилмади, тухум харид қилиш плани ошириб адо этилди. Давлатга эртаги ва парник-теплица сабзавотларини сотиш кўпайди.

Ишларнинг бутун комплекси бўйича қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга 15 миллиард сўмликдан кўпроқ капитал маблағ сарфланди ва бу маблағ 1981 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 3 процент ортди.

Қишлоқ хўжалигига 133 минг юк автомобили ва махсус автомобиллар, 173 минг трактор, 52 минг ғалла ўриш комбайни, картошка қазиб оладиган 5,6 минг комбайн, 20,3 минг силос ўрадиган комбайн, лавлаги қазиб оладиган 4,6 минг машина, витаминли ўт талқонини тайёрлайдиган 1,6 минг агрегат, 8,2 минг ёмғирлатиш машинаси ва қурилмалари, бошқа кўпгина машина-механизмлар етказиб берилди. Машина-механизмларнинг кўпчилик турларини етказиб бериш плани бажарилди. Трактор лушчильниклари, витаминли ўт талқони тайёрлайдиган агрегатлар, қаттиқ органик ўғитлар сеялкадиган машиналар тўлиқ етказиб берилмади.

Тўйимли моддалари 100 процентга айлантириб ҳисобланганда минерал ўғит 10,4 миллион тонна, ёки 1981 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 451 минг тонна кўп, озуқага қўшиладиган химиявий моддалар 308 минг тонна ёки 12 минг тонна кўп етказиб берилди; план бажарилди.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми маъқуллаган СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга ошириш юзасидан актив иш авж олдириб юборилди.

Денгиз транспорти чет элларда юк ташиш планини ошириб бажарди ва денгиз транспортида юк ташишни 8 процент кўпайтиришга эришилди. Денгиз портларида юк ортиш ва туширш ишлари 107 процент бажарилди.

Умумий фойдаланишдаги дарё транспорти юк обороти ва юк ташиш планини бажарди. Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти пассажир обороти планини бажарди.

Газ қувурларидан товар газ етказиб бериш 1981 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 16 миллиард куб метр ортди, план ошириб бажарилди.

Ҳаво транспортида 50 миллиондан зиёд пассажир ташилди. Пассажир обороти ва халқ хўжалиги тармоқларига хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишларнинг ярим йиллик плани бажарилди, ташишнинг умумий ҳажми эса тўла бажарилмай қолди.

Алоқа корхоналари маҳсулот ҳажми планини бажардилар ва уни 5 процент кўпайтиришга эришдилар.

Давлат капитал маблағлари ҳисобидан 33 миллиард сўмликдан зиёд асосий фондлар ишга туширилди. Бу — ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 7 процент кўпдир.

Темир ва марганец рудасини қазиб чиқарадиган, темир руда концентрати, қора металлар прокати, пўлат қувурлар, синтетик аммиак, сульфат кислота, химиявий тола ва ип ишлаб чиқарадиган йирик қувватлар ишга туширилди. Машинасозлик, ёғочсозлик саноати, биноқорлик материаллари; шунингдек енгил саноат ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларининг кўп хилларини ишлаб чиқарувчи қувватлар оширилди.

3,2 минг километрдан зиёд магистрал газ қувурлари ишга туширилди. Янги қувватли газ қувурларини, шу жумладан Уренгой-Помари-Ужгород қувурини қуриш соҳасида иш олиб борилмоқда.

Байкал-Амур темир йўл магистралини қуриш давом эттирилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида чорвачилик бинолари фойдаланиш учун топширилди, 1,2 миллион бош қора мол ва 2,1 миллионта парранда боқиладиган ферма ва комплекслар, тухум қиладиган 1,1 миллион товуқ ва гўшт учун йилига 19 миллионта парранда боқиладиган фабрикалар, 6,4 миллион куб метр сиғимли силос ва сенаж иншоотлари, элеваторлар ва омихта ем тайёрловчи корхоналар ва бошқа объектлар механизациялаштирилди.

Сугориладиган 225 минг гектар ер ва захи қочирилган 250 минг гектарга яқин ер фойдаланишга топширилди. 1,7 минг гектар яйловга сув чиқарилди.

Агросаноат комплекси тармоқларида — трактор ва уни эҳтиёт қисмларини, озиқ-овқат, гўшт, сут ва балиқ саноати учун технология асбобларини; минерал ўғитларни, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларини; кондитер маҳсулотларни, ўсимлик мойи, гўшт, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қувватлар ортди.

Давлат томонидан халқ хўжалигига сарфланган капитал маблағлар 54 миллиард сўм бўлди ва 1981 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 2 процент кўпайди.

Қурилишнинг прогрессив илғор технологиясини ва уни ташкил этишнинг янги методларини жорий этиш, самарали конструкциялар ва материалларни қўлланиш соҳасидаги ишлар амалга оширилди. Меҳнат унумдорлиги ошди.

Шу билан бирга, асосий фондларни ва бир қанча ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширш плани бажарилмай қолди. Кўпгина қурилиш ташкилотлари товар қурилиш маҳсулоти ҳажми, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишнинг таннархини пасайтириш юзасидан белгиланган топшириқларни тўлиқ бажармадилар.

Халқ хўжалигидаги ишчи ва хизматчиларнинг сони ярим йил мобайнида ўрта ҳисобда 113,9 миллион кишига етди ва 1981 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 1,2 миллион нафар кўпайди.

Халқ хўжалигида ишчи ва хизматчиларнинг пул билан тўланадиган ўртача ойлик иш ҳақи 2,7 процент ортди ва 177 сўмга етди.

Колхозчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш 4 процент кўпайди.

1982 йилнинг биринчи ярмида социал ривожланиш ва халқ хўжалигини юксалтириш тадбирлари амалга оширилди. Давлат ва кооператив савдосида чакана товар обороти 143 миллиард сўмлик бўлди.

Товар обороти ўсганига қарамай, аҳолининг баъзи молларга бўлган ва ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжлари тўлиқ қондирилмади.

Совет Иттифоқининг ташқи савдо обороти ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўсди ва 58 миллиард сўмни ташкил этди.

Аҳолига кўрсатилган маиший хизмат ҳажми 5,1 процент, шу жумладан қишлоқ жойларида 5 процент кўпайди. Ярим йиллик план бажарилмай қолди.

Давлат, кооператив корхоналари ва ташкилотларининг (уй-жой-қурилиш кооперативлари шу ҳисобга киради) ҳамда колхозларнинг маблағлари ҳисобига жами саҳни 30 миллион квадрат метрдан зиёд 590 минтга яқин пинанм квартиралар фойдаланишга топширилди. Аҳоли ҳам ўз маблағлари ҳисобига ҳамда давлат кредити ёрдами билан кўп миқдорда уй-жойлар қуриб олди.

92 минг ўринли умумий таълим мактаблари, 111 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари, 14 минг ўринли касалхоналар, бир сменада 28 минг кишига хизмат кўрсатадиган амбулатория-поликлиника муассасалари ва бошқа кўпгина социал-маданий объектлар фойдаланиш учун топширилди.

Шу билан бирга уй-жой ва баъзи социал-маданий объектлар қуриш ярим йиллик плани бажарилмай қолди.

Аҳоли пунктларини ободқилиш ва газлаштириш давом эттирилди. Табиатни муҳофаза қилиш юзасидан белгиланган программа бажарила борди. Ҳаво ва сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш, ўрмонларни тиклаш, ерларни қайта культивация қилиш тадбирлари амалга оширилди.

Бир қанча корхоналар газ чанг ушлагич мосламаларини, сувни тозалайдиган иншоотларни ишга туширш ва бошқа топшириқларни бажаришда орқада қолмоқдалар.

Мамлакатнинг умумий таълим мактабларида 44,3 миллион киши, ҳунар-техника ўқув юртларида 4 миллион (шу жумладан, ўрта ўқув юртларида 2,2 миллион), ўрта махсус ўқув юртларида 4,6 миллион, олий ўқув юртларида 5,3 миллион киши таълим олди. Бу йил 5 миллион йигит ва қиз ўрта маълумотли бўлди.

Халқ хўжалигига 2,1 миллион мутахассис, шу жумладан олий маълумотли 0,8 миллион киши ва ўрта махсус маълумотли 1,3 миллион киши юборилди.

Санаторийлар, дам олиш муассасалари ва туристик базалардаги ўринлар сони кўпайди.

1982 йил 1 июлда Совет Иттифоқи аҳолисининг сони 270 миллион кишига етди.

(ТАСС).

Қардош Озарбайжон, Тожикистон ва Туркманистон ССРдан келган ўзаро текшириш бригадаси аъзолари республикамиз пахтакорларининг шу кундаги ишлари билан чуқур таниш-моқдалар ва дўстона маслаҳатлар бермоқдалар.

Суратда: қардош озарбайжонлик мусобақадошлар Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози пахта далаларида.

Л. Гусейнов фотоси.

ДЎСТЛИК ҚОНУНЛАРИ АСОСИДА

ЎЗАРО ТЕКШИРИШ БОШЛАНДИ

Социалистик мусобақа юзасидан дўстлар ва мусобақадошлар — қардош республикалар ўзаро текшириш делегацияларининг намояндалари 24 июль куни Ўзбекистон далалари ва фермаларида ишга киришдилар.

Озарбайжон ССР тайёрлаш министри Инглаб Шафагатович Шамиев бошчилик қилаётган Озарбайжон делегацияси Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Наманган областлари колхоз ва совхозларида социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини текширишга киришди.

Тожикистон касаба союзлари республика Советининг раиси Аюб Хайдарович Ҳайдаров бошчилигидаги Тожикистон қишлоқ меҳнаткашлари делегацияси Фарғона, Андижон, Сурхондарё, Сирдарё ва Навоий областлари деҳқонлари ҳамда чорвадорларининг ишини текширади.

Қорақалпоғистон АССР хўжаликларида мусобақадош туркман дўстлар делегацияси социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлигини текширишга киришди. Делегацияга Туркманистон ССР қишлоқ хўжалик министри Гайли Гурбанович Гурбанов бошчилик қилмоқда. Ўзаро текшириш маршрути Хоразм, Бухоро, Қашқадарё областларининг колхоз ва совхозларидан ҳам ўтади.

Ўзбекистон қишлоқларининг меҳнаткашлари ўзаро текшириш қатнашчиларини хушнудлик, чинақам қардошларча кутиб олдилар.

Бу йил пахтакор республикалар ўртасидаги кўп йиллик, эзгу анъанавий мусобақа яқинлашиб қолган СССРнинг 60 йиллиги, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорлари асосида алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон далаларининг миришкорлари, республика фермаларининг меҳнаткашлари ўзаро текшириш делегацияларининг келишини зарблор меҳнат билан нишонлашга аҳду паймон қилишган, улар меҳмонларнинг маслаҳатларидан қабул қилинган социалистик мажбуриятларни шараф билан тўла ва ошириб бажариш учун, жонажон Ватанга кўпроқ маҳсулот бериш учун тўла даражада фойдаланадилар. (ЎзТАГ).

МЕҲНАТ РАПОРТИ

Навоий область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қабул қилган Озиқ-овқат программаси топшириқларини амалга ошира бориб, мева ва резавор маҳсулот тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари, 22 июль куни бажардилар. Тайёрлов базаларига 4,2 минг тонна хўл мева ва резавор етказиб берилди, бу эса ўтган йилдагига нисбатан 600 тонна кўп-дир. Қизилтепа, Хатирчи, Навоий районларининг боғбонлари, шунингдек Навоий районидаги «Нарпай» совхозининг, Хатирчи районидаги «Москва» колхозининг меҳнаткашлари бу муваффақиятга катта ҳисса қўшдилар. Область меҳнаткашлари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, яна 800 тонна мева сотиш мажбуриятини қабул қилдилар.

(ЎзТАГ).

МУНОСИБ МУКОФОТ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети Новгород областига оталиқ ёрдамини берайтган қурилиш ташкилотлари коллективлари социалистик мусобақасининг 1982 йил II квартал якунларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, «Узновгородводстрой» трестига қарашли «Тошкент-4» ихтисослашган кўчма механизациялашган колоннаси (колонна бошлиғи А. А. Мухин, партия ташкилоти секретари А. А. Сергиевский, касаба союз комитетининг раиси Н. В. Крутикова, комсомол ташкилотининг секретари Н. Р. Сумин) коллективини квартал якунларига кўра, социалистик мусобақа ғолиби деб топдилар ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ҳамда диплом ва пул мукофоти билан тақдирладилар. Бу коллектив пудрат ишлари планини 125,6 процент, шу жумладан ўз кучлари билан пудрат ишлари планини 125,1 процент бажарган, меҳнат унумдорлигини ошириш планини 105,6 процент адо этган.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

Халқаро денгиз ташкилотининг бош секретари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош секретарининг ўринбосари Ч. П. Шривастава бир неча кун давомида Ўзбекистон ҳаёти билан таниши-ди.

Ч. П. Шривастава Бухоро ва Урганчда бўлди. У кўп асрлар муқаддам халқ усталари қўли билан яратилган ва ҳозирги вақтда давлат авайлаб асраётган меъморчилик ёдгорликлари, ноёб архитектура ансамбллари билан таниши чиқди, шу шаҳарларнинг янги қурилиш районларини кўздан кечирди. Меҳмон ўрта аср шарқида машҳур аллома Абу Али ибн Сино ватани — Афшонага сафар қилди. Бу ерда буюк олим ва мутафаккир шарафига меъморлик комплекс ўрнатилган. Меҳмон Хива шаҳар музейида бўлди. У, шунингдек Бухоро областидаги колхозлардан бирига бориб, деҳқонларнинг турмуш ва меҳнат шароити билан таниши чиқди.

Ч. П. Шривастава Тошкентда ҳинд тили ўргатиладиган махсус 24-мактабда бўлди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Партия, хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон Компартияси Бахористон район комитетининг биринчи секретари ўртоқ Сервер Надирович **Аметовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими»** фахрий унвони берди.

ҚОНЛИ БОСҚИНЧИЛИК ТЎХТАТИЛСИН!

Ўзбекистон жамоатчилиги Исроил ҳарбийлари Ливан диёрида қилаётган қонли қароқчиликка қарши ғазаб-нафрат билан норозилик билдирмоқда. Республикада бўлаётган митингларнинг қатнашчилари «Правда» газетасининг саволларига ўртоқ Л. И. Брежнев жавобларида Ливандаги вазиятга берилган баҳонинг ғоят муҳим эканлигини таъкидламоқдалар, Совет Иттифоқининг ана шу жавобларда баён этилган қатъий позициясини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент ишлаб чиқариш-тикувчилик бирлашмаси меҳнаткашларининг кўп кишилик митингида Ливан ва Фаластин халқларининг мардонавор кураши билан бирдамлик изҳор этилди.

—Ҳозирги вақтда Ливанда давом этаётган қонли қароқчилик, — деди инженер З. Йўлдошева. — Америка билан Исроилнинг «стратегик ҳамкорлиги» натижасидир. Агрессор ўзининг разил мақсадларига эришиш йўлида босиб олинган территорияларда тобора огир жиноятлар қилмоқда. Биз «Правда» газетасининг саволларига ўртоқ Л. И. Брежневнинг жавобларида баён этилган Совет Иттифоқининг аниқ ва равшан позициясини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаймиз. Бу урушнинг олови ўчирилиши, агрессия тўхталиши керак. Исроил қўшинлари Ливан территориясидан чиқиб кетиши лозим!

Бичиқчи Ф. Болтаева, тикувчи-моторист М. Габдурова, бирлашма партия комитетининг секретари Ш. Акбаров ва бирлашманинг сўзга чиққан бошқа нотиқлари Яқин Шарқда мустаҳкам тинчликни ўрнатиш учун ўртоқ Л. И. Брежнев таклиф қилган тадбирларни батамом маъқулладилар.

* * *

«Ферганагипроводхоз» лойиҳа институтида бўлиб ўтган митинг қатнашчилари Исроилнинг Ливанга қарши ваҳшиёна агрессиясини зўр ғазаб билан қораладилар.

Инженер, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси П. Манжула митингда сўзга чиқиб, бундай деди:

—Исроил ҳарбийлари ва уларнинг океан нарёғидаги ҳомийлари шуни яхши билишлари керакки, Фаластин халқини мустақилликка бўлган интилишидан маҳрум этиш мумкин бўлмаганидек, бу халқни йўқ қилиб юбориш ҳам мумкин эмас.

Митинг қатнашчиларининг якдиллик билан қабул қилган резолюциясида Коммунистик партия билан Совет ҳукуматининг Яқин Шарқдаги аҳволни бартараф этиш соҳасидаги позициясига юксак баҳо берилди.

* * *

Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик фабрикасининг меҳнатчилари Исроил ҳарбийларнинг Ливан диёридаги босқинчилик ҳаракатларидан ниҳоятда дарғазаб бўлганликларини изҳор этдилар.

—Совет кишилари, — деди митингда сўзга чиқиб тикувчи мотористка М. Аҳмедова, — ўз озодлиги учун курашаётган кишиларни ҳамиша қўллаб-қувватлаб келдилар ва бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайверадилар.

Митинг иштирокчилари Исроил қўшинларининг босиб олинган ерлардан дарҳол олиб чиқиб кетилишини қатъиян талаб қиладилар.

(ЎзТАГ).

БУГУН—САВДО ХОДИМЛАРИ КУНИ

ХАРИДОР ЭҲТИЁЖИ—ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЪЗОНИ

Савдо ходимларининг кўпминг сонли отряди бугун ўзларининг анъанавий байрами —савдо ходимлари кунини нишонламоқдалар. Бугун мамлакатда бўлгани каби республикамизда савдо йилдан-йилга жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Республикада чакана савдо товар оборотн ўнинчи беш йиллик мобайнида 43 процент, 1982 йилнинг биринчи ярмида 8,8 процент ўсганлиги буннг яққол далилидир. Бу бизда аҳолининг харид қилиш имкониятлари йил сайин ортиб бораётганлигидан далолат бериб халқ фаровонлигининг тинимсиз ўсаётганлигини кўрсатади.

Кейинги йилларда автомобиль, мотоцикль, электр жиҳозлари, холодильниклар, кир ювиш машиналари, телевизорлар, гилам ва гилам буюмлари сотиш кескин кўпайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати, қоларверса маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг аҳолини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва кенг истеъмол товарлари билан таъминлаш борасида кўрсатаётган доимий ғамхўрлиги савдо ишини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Ўтган йиллар ичида товарлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, улар билан савдо қилишни яхшилаш борасида бирталай тадбирлар амалга оширилди.

Ўн биринчи беш йилликда савдо иши муваффақиятли ривожланяпти. Бир ярим йиллик чакана савдо товар обороти ошириб бажарилди. Савдо ходимлари мусобақасида Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент Марказий универмаги, Қашқадарё, Бухоро областлари савдо бошқармаларининг кўпгина савдо корхоналари, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг савдо бошқармаси ва умумий овқатланиш бошқармаси пешқадамлик қилмоқдалар. Улар хизмат кўрсатишнинг янги, прогрессив усулларини жорий этиш ташаббускорлари бўлиш билан бирга ликда харидорлар эҳтиёжини тўлароқ қондириш, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш имкониятларини мунтазам излаб топмоқдалар. Масалан, Қашқадарё область савдо ходимлари биринчи ярим йиллик товар оборти планини 27 июндаёқ бажариб қўйдилар. Чакана товар обороти бу ерда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 16,2 процент ошди. Яхши натижаларга эришаётган савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг сони анча кўпайди.

Партия ва ҳукуматимиз савдо ходимлари обрў-эътиборини ошириш тўғрисида мунтазам ғамхўрлик қиляптилар, уларнинг ҳалол меҳнатларига юксак баҳо беряптилар, бу соҳани малакали, белгиланган вазифаларни бажаришга даёқатли мутахассислар билан таъминлаш чораларини кўряптилар. Бизнинг барча яхши ишларимизга ёшлар фаол ёрдам кўрсатмоқдалар, Ёшлар бор жойда ташаббускорлик, ижодий изланиш ҳукм сурмоқда. Ҳозирги кунда савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида 50 мингдан ортиқ ёшлар ишлаяпти. Улардан 23 мингдан кўпроғи комсомолларидир.

Комсомол-ёшлар коллективларининг катта муваффақиятлари республикада машҳур. Андижондаги «Ёшлик» мактаб-магазини ана шундай комсомол-ёшлар коллективларидан бири ҳисобланади. Бу коллектив ўтган йили ВЛКСМ Марказий Комитети; СССР Савдо министрлиги ва тармоқ касаба союзи Марказий Комитетининг Қизил байроғи билан мукофотланди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети комсомолнинг савдога оталигини қучайтириш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўтган йилдан бошлаб ҳар йили савдога 5 минг нафар киши комсомол йўлланмаси билан юборилмоқда. Бизнинг вазифамиз уларга ўргатиш, яхши ишлаш учун шароит яратиш, тарбиявий ишларни мунтазам равишда олиб боришдан иборатдир. Шу мақсадларда ҳамма жойда мураббийлик ишини такомиллаштиришни давом эттирамиз.

1981 йил якунларига кўра савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг бир қатор коллективлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан тақдирландилар. Чирчиқ, Коғон, Қиргули шаҳарлари савдо, ташкилотлари, «Таштекстильшвейторг», Қарши шаҳар саноат моллари савдо коллективлари шулар жумласидандир.

1981 йилнинг иккинчи ярми иш якунларига кўра республика савдо ходимлари коллективи биринчи марта СССР Савдо министрлиги ва савдо ҳамда матлубот кооперацияси ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирландилар. Тошкент шаҳридаги электро-техника заводига қарашли 8-ошхона коллективи эса 1981 йилда эришган юксак натижалари учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди. Илғор савдо ходимларининг катта группаси СССР орден ва медаллари, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланлилар. Анчагина илғор савдо ходимларига «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган савдо ходими» унвони ва «Совет савдоси аълочиси» нишони берилди.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди савдо ходимлари олдига харидорларга хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва маданиятини оширишдек масъулиятли вазифаларни қўйди. Бу борада ҳали кўп ишлар қилишимиз лозим. Савдони ривожлантириш резервлари ва имкониятлари ниҳоятда катта. Бироқ умумий овқатланиш барча корхоналардаги мавжуд резервлардан самарали фойдаланилянти. деб бўлмайди. Савдода эҳтиёждаги товарларни мунтазам равишда етказиб бермаслик ҳоллари ҳамон учраб турибди.

Савдони яхшилаш унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириши талаб этади, Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган даври мобайнида бу мақсадларга анчагина маблағлар сарфланди. Катта холодильниклар, сабзавот, мева ва картошка омборлари, ялпи савдо базалари, замонавий универмаглар, умумий овқатланиш корхоналари ишга туширилди. Ярим йил ичида 12 минг квадрат метр савдо майдонига эга бўлган 51 та магазин фойдаланишга топширилди. Шунга қўшимчаликки, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари қурилиши республиканинг деярли барча шаҳар ва қишлоқларида олиб борилянти.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VI пленуми қарорлари савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ходимлари учун ҳам муҳим қўлланма ҳисобланади. Бизнинг олдимизда колхозлар, совхозлар ва агросаноат комплексининг бошқа корхоналари билан бевосита алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш ва такомиллаштириш, деҳқонларнинг қаҳрамонона меҳнати билан етиштирилган маҳсулотларни даладан магазинга нес-нобудсиз сифатли ҳолда етказиб бериш вазифаси турибди. Бу вазифани ҳанчалик аъло даражада бажарсак, Озиқ-овқат программасининг амалга оширилишига ҳам шунчалик салмоқли ҳисса қўшган бўламиз. Мева-сабзавот маҳсулотлари савдосини ташкил этиш борасида ҳам анча ишлар қилинди. Биз озиқ-овқат товарларининг истеъмолчиларга сифатли ҳолда, нес-нобудсиз етказиб берилиши учун барча чораларни кўрамиз.

Озиқ-овқат программасида аҳолининг чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилган. Чорвачиликнинг тез етилувчи тармоқлари — қорамол ва паррандачиликни ривожлантириш гўшт ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг муҳим резервидир. Бу борада бизнинг ёрдамчи хўжаликларимиз салмоқли ҳисса қўшмоғи лозим.

Ҳозирнинг ўзидаёқ биз 29 та чўчқачилик, 1 та қорамолчилик хўжалигига ва 3 та паррандачилик комплексига эгамиз. Уларда 57 минг бош дан зиёд чўчқа, 130 минг парранда ва 2 минг бош қорамол ҳамда қўй-эчки боқилянти. 1981 йилда тирик вазнда 1624 тонна гўшт реализация қилинди. Бу—пландагидан анча кўпдир. Яқинда Майск посёлкасида Тошкент область ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармасига қарашли 10 минг бош чўчқа боқиладиган комплекс ишга туширилди. Биз йил охирига қадар молларни семиртириш ҳисобига 2400 тонна гўшт олинишини таъминлаш. 1985 йилга бориб чўчқа ва парранда гўшти етиштиришни 4 минг тоннагача етказиш мажбуриятини олганмиз.

Савдони ривожлантиришда муайян муваффақиятларга эришилганига қарамай айрим камчиликлар борлигини ҳам айтиб ўтишимиз керак. Савдо хизмати кўрсатиш даражаси аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларига тўла жавоб бермайди. Ўртага қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун курашда савдонинг барча бўғинлари — министрликдан тортиб магазингача иштирок этиши лозим. Жойларда ташкилий ишларни яхшилаш, коллективларни фаол меҳнат қилиш руҳида тарбиялаш, меҳнат интизомини, савдо қоидаларини бузиш ҳолларига муросасиз бўлиш доимо диққат марказимизда туриши керак. Савдо министрлиги коллегияси тармоқ ишини янада яхшилашга доир чораларни кўради. Қўшимча товар ресурсларини излаб топиш, савдони ташкил этишни яхшилаш, топширилган иш учун ходимларнинг масъулиятини ошириш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Ҳеч шубҳа йўқки, республикамиз савдо ходимлари ўн биринчи беш йиллик вазифаларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида савдо масалаларига доир билдирган маслаҳатлари, йўл-йўриқларини муваффақиятли бажариш йўлида фидокорлик кўрсатаверадилар.

У. МИРПУЛАТОВ,
Ўзбекистон ССР савдо министрининг ўринбосари.

ХУШХАБАРЛАР

Бахмал районидаги «Узунбулоқ» совхозида тракторлар, автомобиллар ва бошқа машина-механизмларни гарантияли ремонт қилиш жорий этилган. Техника хизмати кўрсатиладиган янги пунктда машина ва механизмларнинг қисмлари ҳамда узелларини конвейер усулида қисмларга ажратиш ва йиғиш йўлга қўйилган. Корхона совхознинг бутун машина-трактор паркига хизмат қилишни ўз зиммасига олган. Ремонт ишлари икки баравар жадаллашди, уларнинг сифати ошди ва техникадан фойдаланиш коэффициенти ўсди. Пункт ҳузурида синфхона ташкил этилган бўлиб, бу ерда совхоз ва қўшни колхозларнинг механизаторлари ўз профессионал маҳоратини оширадилар.

✦

Кегайли районидаги «Қизил аскар» совхозида очилган янги икки қаватли болалар боғчасида кичинтойларнинг овозлари янгради. Бир юз қирқ нафар кичинтой бу боғчанинг эгаси бўлди. Совхоз юмшоқ мебель, ўйинчоқлар, анжомлар ажратиб берди, мевали боғ барпо этди, болалар майдончасини жиҳозлаб, болаларни тарбиялаш учун қаражатларнинг маълум қисмини ўз зиммасига олди. Кўргонтепа районидаги Ҳамза номли совхозда ҳам типовой болалар боғчаси ишга тушди.

✦

Ғаллаорол районидаги «Рассвет» совхози чўчқачилик комплекси лойиҳадаги қувватга эришди. Биноларда автопоилкалар, озуқа тарқатиш аппаратлари ўрнатилган, озуқа цехи ишлаб турибди. Бу ерда ҳар йили икки мингта чўчқа боласи боқиб семиртирилади. Наслчилик репродуктори ишлай бошлади. Бу репродуктор комплексни чўчқа болалари билан таъминлаб туради.

✦

Паркентдаги «Бўстон» совхозининг полизлари қирларда қулоч ёйди. «Ташкентводстрой» трестининг мелиораторлари эллик гектарли далани хўжалик ихтиёрига топширдилар. Ирригаторлар жой рельефининг мураккаблигини назарда тутиб, оригинал суғориш системасини яратдилар. Бу система орқали сув Паркент магистрал каналига трубасимон ариқлардан картошка майдонларига чиқарилади. Картошка йиғиштириб олинганидан сўнг бу ерда озуқабоп экинлар экилади. Йил охирига мелиораторлар хўжалик деҳқонларига яна 150 гектар ҳайдаладиган ерни топширадилар.

✦

Зомин районидаги «Қизил чорвадор» совхози марказида очилган ишчилар ошхонаси ходимлари хўрандаларни «Хуш келибсиз» деб кутиб олишди. Бу ерга ҳар куни янги сабзавот ва мева ташиб келтирилади. Совутиш қурилмаларида сут ва бошқа маҳсулотлар сақланади. Механизаторлар ва чорвадорларнинг буюртмаларига мувофиқ ошхона ходимлари кечки сменада ишлаётган ишчилар учун дала шийпонлари ва фермаларга овқат етказиб берадилар.

✦

Навоий областининг деҳқонлари Навоий шаҳар аҳолисига сабзавот, ҳўл мева ва полиз экинларининг янги узилган ҳосили ортилган «Қизил карвон» юборилар. Шаҳар бозорида ташкил этилган сабзавот ярмаркасида биринчи куннинг ўзидаёқ 15 тоннадан ортиқ картошка, помидор, пиёз, саримсоқ, сабзи, узум, олма, қовун ва тарвуз сотилди. Область деҳқонлари бутун ёз давомида ҳар куни шаҳар аҳолисига ана шундай карвонларни юбориб туришга аҳд қилдилар

●

Андижондаги 2-бройлер фабрикаси фойдаланиш учун қабул қилинди. Бригада пудрати кенг жорий этилганлиги туфайли қурилишни жадаллаштириш имконияти вужудга келди. Корхонада жўжаларни парваришлашнинг ҳамма жараёнлари бутунлай механизациялаштирилган. Фабриканинг дастлабки навбати йилига етти юз минг бройлер етиштиришга мўлжалланган.

✦

Арнасой райони марказидаги кенг форматли янги кинотеатр дастлабки томошабинларни қабул қилди. Ҳар бир сеанс бошланиши олдидан мелиораторлар, пахтакорлар, чорвадорларнинг илғор иш тажрибаси тўғрисидаги фильмлар намойиш этилади, лекция ва суҳбатлар ташкил қилинади.

(ЎзТАГ).

Қишлоқ Ҳақиқати"га жавоб берадилар

«СУСТКАШЛИККА ЎРИН ЙЎҚ»

Газетанинг шу йил 8 июнь сонида «Қишлоқ ҳақиқати» ва Ўзбекистон радиоси агросаноат комплекси объектлари қурилишида» рубрикаси остида юқоридаги сарлавҳали танқидий мақола босилган эди. Унда Қорақалпоғистон АССР Нукус районидаги Тельман номли совхозда чўчқачиликка ҳамда Мўйноқ районидаги «Мўйноқ» совхозида қорамол боқишга мўлжалланган янги комплекслар қурилишидаги иш аҳволи таҳлил этилиб, қатор камчиликлар очиб ташланган, бунга айблар қурилиш ташкилотлари шаънига жиддий эътирозлар билдирилганди.

Мақолага қуйидаги жавоб келди:

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ:

«Сусткашликка ўрин йўқ» мақоласи манфаатдор шахслар иштирокида муҳокама қилинди. Мақолада тилга олинган муҳим чорвачилик объектлари қурилишини жадаллаштириш ва ишга туширишнинг ҳозирги пайтда Автоном республика қурилиш ташкилотлари Озиқ-овқат программасидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш, жумладан, агросаноат комплексининг қурилаётган объектларини ўз вақтида фойдаланишга топшириш учун қўлларидан келган ҳамма чораларни кўрмоқдалар.

М. ЮСУПОВ,
Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси.

«АВТОТРАНСПОРТДА ЮКСАК САМАРАДОРЛИК УЧУН»

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг 6 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигига қарашли бир қатор автохўжаликларда техник жиҳатдан носоз машиналардан фойдаланилаётганлиги, баъзи ҳайдовчилар шахсий бойлик орттириш йўлида давлат автомобилида ғира қилаётганликлари, айрим автокорхоналарнинг раҳбарлари назоратни сусайтириб юборганлиги танқид қилинган эди. Ушбу мақола юзасидан редакция Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигидан қуйидаги жавобни олди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ МИНИСТРЛИГИ:

«Автотранспортда юксак самарадорлик учун» мақоласи Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги коллегиясида атрофлича кўриб чиқилиб, унда таъкидланган камчилик ҳамда нуқсонларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Ушбу масала юзасидан министрлик бўйича буйруқ чиқарилиб, Наманган область автотрестининг раҳбарлари — Арсеньев, Шамсутдинов, Фарғона область автотрестининг раҳбарлари — Асқаров, Жўраев, Бухоро область автотрестининг раҳбарлари— Бешимов, Содиқов Жиззах область автотрестининг раҳбарлари — Нарзиқулов, Эшниёзов, «Главташпассажавто т р а н с» маъмурияти (ўртоқ Афонин), «Ташоблавтотрест» маъмурияти (ўртоқ Гохберг), Қорақалпоғистон АССР автотрести раҳбарлари — Болтабоев, Шомуродов ўртоқларга автомашиналарнинг техникавий ҳолатини назорат қилишни сусайтириб юборганликлари кўрсатиб ўтилди. Уларнинг зиммасига автомобилларга техника хизмати кўрсатиш даражаси ва сифатини яхшилаш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, ушбу буйруққа кўра автомашиналарнинг ҳайдовчилар уйида сақланишига чек қўювчи бир қатор тадбирлар белгиланди. Жумладан, автокорхонанинг навбатчи механиклари зиммасига ҳар бир автомобилнинг ишдан сўнг гаражда сақланишини таъминлаш, ҳайдовчилар томонидан улар олиб келинмаганда эса чора кўриш учун маъмуриятга бу ҳақда маълум қилиш вазифаси юклатилди.

Автомашиналарнинг доимо яхши техник ҳолатда бўлишини таъминлаш мақсадида диагностика постлари ишини бугунги кун талаблари даражасига кўтариш, ремонт бригадаларига бошчилик қилиш вазифасини малакали инженер-техник ходимлардан бирининг зиммасига юклаш сингари тадбирлар белгиланди. Ҳозирги пайтда ана шу чора ва тадбирларнинг изчил бажарилиши министрлик томонидан назорат қилиб борилмоқда.

Ш. НИЕЗБЕКОВ,
Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрининг ўринбосари.

ҚУТ-БАРАКА

— Раис бормилар?

— Олма тераётганлар олдига кетганлар.

— Партком секретари-чи?

— Ҳашарчиларни жойлаштириш билан банд.

Шу кунларда Оржоникидзе районидаги «Правда» колхозига таниш бўлган киши хўжалик раҳбарларини идорадан топаман деса, овора бўлади. Келди-кетдига, тез-тез жиринглаб турадиган телефона муомала қилишга қолдирилган секретарь қиз ва яна оператив ҳисоб-китоб билан шуғулланиб ўтирган икки-уч ходимдан бўлак ҳамма далада, боғ ва умумзорларда — иш айни қизиган жойда ҳозир.

Колхоз боғларида мевалар ғарқ пишди, полиз-у пайкалларда сабзавот, қовун-тарвузлар етилди. Катталан-кичиккинг ҳаловати йўқолган дисталанг палла бошланди. Бундай пайтларда деҳқон тиним билмайди, тик оёқда тунни кунга улаб юбораверади.

Правдаликлар бу йил 875 гектар ерда деҳқончилик қилмоқдалар. Шундан 440 гектарда сабзавот: помидор, пиёз, карам, лавлаги, 110 гектарда картошка етиштирдилар. 217 гектар боғ: олма, шафтоли, олхўри, ток ва бошқа мевали дарахтларни, 108 гектар токзорни парвариш қилдилар.

— Сабзавот ва мева ҳосили бу йил яхши бўлди,— дейди колхоз раиси Ҳодимат Қуронбоев. —Хомчўт ҳисобга қараганда, юбилей йили учун олган социалистик мажбуриятимизни анча орттириб адо этсак керак. Ҳозир бутун эътиборимиз,' бор куч, имкониятларимиз ва техника воситалари катта меҳнат эвазига етиштирилган баракали ҳосилни кечиктирмай, нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ва давлатга топширишга қаратилган.

Колхоз зиммасига олган социалистик мажбурият эса юксак. Деҳқонлар жами 15 минг тонна, ялпи планда кўзда тутилганидан 2 ярим минг тонна кўп сабзавот, 2300 тонна картошка, 1000 тонна мева, 600 тонна узум етиштиришга сўз беришган.

Деҳқоннинг лафзи ҳалол. Эл-юртга сўз бердими, бирор мақсадни кўнглига тугдими, ваъдасининг устидан чиқиб, юзини ёруг қилмагунча тиниб-тинчимайди. Правдаликлар ҳам бундан, мустасно эмас.

Дала айланамиз. Боғлар токзорларга, полизлар помидор пайкалларига туташиб кетди. Янги узиб олинган мева ёки узум, помидор ёки бодринг ортилган тележкалар карвони тез-тез ёнимиздан ўтиб қолади. Раисдан тортиб бригадиргача, партком секретаридан тортиб оддий коммунистгача —ҳаммаининг фикри-зикри ягона мақсадга — пишиб етилган ҳосилни тезроқ саранжомлаб олиш ва истеъмолчиларга пешма-пеш етказиб беришга қаратилган.

Мева-узум, сабзавот, полиз экинлари ҳосилининг мўл бўлганлиги деҳқонларни шошилтириб қўйди. Шунда Ўроқ ва Болға иттифоқига ҳамиша содиқ шаҳарликлар ёрдамга келишди. ТошМИ даволаш факультети, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти ўзбек ва қозоқ филологияси факультетининг талабалари, Тошкент давлат университетининг ва бошқа олий ўқув юртларининг талабалари, Тошкент шаҳар саноат моллари савдо бирлашмасининг ходимлари, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ходимлари, Ленинград ва Ленинград область ходимлари, Ленинград ва Ленинград область ходимлари, Ленинград ва Ленинград область

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ МАЙ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

БУХОРОНИНГ ТЎКИН ДАСТУРХОНИ

Бухоро области меҳнаткашларининг Озиқ-овқат программасини бажариш учун олиб бораётган ишлари билан танишувимиз Тошкент аэропортидан кўтарилган «АН-24» самолёти салонида бошланди. Область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг эндигина тайинланган бошлиғи Ҳожиқурбон Эргашев республикамиз пойтахтидан дастлабки топшириқларни олиб кетаётган экан.

— Ҳозир областимиз қишлоқларида яхши бир меҳнат кўтаринкилиги сезилянти, — дейди суҳбатдошимиз Ҳ. Эргашев. — Мамлакатнинг Озиқ-овқат программаси қабул қилинганлиги партиянинг дала ва ферма меҳнаткашлари ишига алоҳида эътибор ва гамхўрлик кўрсатаётганлиги сифатида қабул қилинди. Одамларнинг руҳи тетик, ишонч билан, гайрат билан ишлашянти. Бу кўтаринкиликни ҳар бир район, ҳар бир хўжаликда кўриш мумкин. Юз марта эшитгандан кўра бир марта кўрган афзал. Ўз кўзларингиз билан кўргач бунга ишонч ҳосил қиласизлар.

Дарҳақиқат, шундай. Ўзингиз қизиқаётган ишни шахсан кўрганга нима етсин! Л. И. Брежнев ҳам ўзининг «Қўриқ» асарида ҳар қандай телефон қўнғироғи, ҳар қандай қоғоз шахсий мулоқатнинг ўрнини босолмаслигини жуда ўринли таъкидлаган. Лекин эндиликда бир истиҳола қўнглимизни безовта қиляпти. Кўрганларимизнинг ҳаммасини қоғозга тушира оламиканмиз?! Бир баён қилаётган жумлалар Бухоро области мўл-кўлчилик бунёдкорларининг завқли меҳнати олдида нурсиз, оҳорсиз чиқиб қолмасмикан?!.

Область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасида бўлганимизда бухороликлар эришган баъзи кўрсаткичларни тилга олишди. Ўтган йили области белгиланган пландан ташқари 4,4 минг тонна дон, 2,4 минг тонна сабзавот, 2,6 минг тонна сут, 1,2 миллион дона тухум етиштирилибди. Бунга қўшимча қилиб шуни айтишди: гарчи областнинг 6 райони янги ташкил этилган Навоий области ўтказилган бўлса-да, бу йил пландан ташқари етиштириладиган маҳсулотлар кескин камаймайди! Асосий эътибор гектарлар самарадорлигини оширишга қаратилади. Бу область қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг бош йўналиши!

Бухоронинг илгор районларидан бири Ромитандамиз. Бу ерда «Октябрь 50 йиллиги» совхозини районнинг кўзгуси, дейишади. Хўжалик эришаётган ютуқларни бир фактнинг ўзи айтиб турибди: совхоз кейинги беш йил мобайнида Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида голибликни қўлдан бермаяпти. Бу сертармоқ хўжаликка кейинги йилларда ишбилармон раҳбар Ҳамро Саидов директорлик қилиб келаётганлигини яхши биландик. Ҳамро акаининг хафсала билан ишлаши кўпчиликни ҳайратга солади. Ҳамро Саидов ўз шогирдларига Максим Горькийнинг: «Қилаётган ишингни севишинг керак, ана шунда меҳнат — ҳатто энг оғир меҳнат ҳам — ижодга айланади», деган сўзини такрорлашни ёқтирарди. Ҳамро акаининг баъзи яқин кишилари ҳазил аралаш: «Намунча жон куйдирмасангиз, барибир совхозингизнинг бу жойларида ҳам янги хўжалик тузилиб, «тайёр ош»ни тутқизасиз», — деб қўйишарди. Одамлар нима деса ҳам ўз ишини ижодлан, санъатдан иборат деб билган бу киши ҳамишагидек завқ-шавққа тўлиб ишлайверади. «Октябрь 50 йиллиги» совхозидан «учирма» бўлган янги хўжаликлар пайдо бўлди. Ҳамро ака кенжа совхозларнинг парвозини кўриб хурсанд бўлиб қўйди. Мана, яқинда Ҳамро Саидовнинг жонкуйарлиги юксак ишонч билан тақдирланди: район коммунистлари уни райкомнинг биринчи секретарлигига сайлашди. Эндиги вазифа аниқ — Ромитан районидаги барча хўжаликлари «Октябрь 50 йиллиги» совхози даражасига олиб чиқиш! Бунинг учун нималар қилинаётганлигини Ҳамро Саидовнинг дилидаги ўй ва режаларидан, одамларнинг қизғин интилишларидан билса бўлади.

Ромитан райони хўжаликларини айланишда давом этамиз. Район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Қодир Шаропов шоферга «КПСС XXVI съезди» совхози орқали юришни айтди. Шу йилнинг бошида ташкил этилган бу совхоз маккажўхоричиликка ихтисослашган. Унга пахтачиликда бой тажриба тўплаган деҳқон, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Муассар Барноева директорлик қиляпти.

— Чорвага ҳам пахтадек эътибор бераётганлигимизни шунданоқ билсангиз бўлади, — деди Қодир Тоирович мийғида кулиб. — Мана, маккажўхорининг ривожига ўзингиз баҳо беринглар.

Шуни айтиш керакки, маккажўхоричиликка ихтисослаштирилган совхозлар қувончли самара бериши ҳозирданоқ сезилиб турибди. Биз кўрган маккажўхорини қишлоқ хўжалиги ишидан мутлақо хабари йўқ киши кўрса ҳам бошқа ихтисослашмаган хўжаликлардаги далалардан кескин фарқ қилишини айтиб бериши мумкин. Даланинг бирор жойида ҳам кўчат «ола» бўлмаган, нам ҳам, ўғит ҳам меъёрида. Экиннинг ривожидан фақат хурсанд бўлиш мумкин.

Худди шундай кўзни қувонтирадиган манзарани Пешқу районидаги маккажўхоричиликка ихтисослашган совхозда ҳам кўрдик. Биз бу далалар қайси хўжаликка қарашли эканини сўрадик.

— Ўтган йили бу жойлар «Ўзбекистон» колхозига қарашли эди, — дейди Пешқу район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Ҳамро Аҳмедов. — Бу тасодифан бўлгани йўқ. «Ўзбекистон» колхози раиси Насриддин Ҳўлатов бундан бир неча йиллар илгари маккажўхоричилик бригадасини бошқарган, СССР Олий Советига депутат бўлган. Янги хўжаликка ана шу раиснинг шогирди раҳбарлик қиляпти. Ҳозир ҳам Насриддин ака дала айланганда янги совхоз экинлари ёнидан бепарво ўтолмайди, тез-тез ўз маслаҳатини бериб туради.

Бухоро фақат тарихий обидалари билангина оламга машҳур эмас. Инқилобдан илгари Бухоро тупроғида битган ширин-шакар қовунлар хорижий Европа мамлакатларига «Бухорининг лимони бу» деб юборилгани, энг азиз меҳмонларга тортиқ қилингани маълум. Яқин-яқин вақтларда ҳам Ғурбин анори, қорахоний узуми, Шофиркон майизи, Хусбудин ўриги атрофга довруг солган. Ана шу шуҳратни тиклаш областдаги асл деҳқонларнинг дил муддаоси. Озиқ-овқат программаси амалга оширилаётган пайтда ана шу қаракатнинг авж олиши жуда қувончлидир. Июнь ойининг охирларида бир группа боғбон ва соҳибкорлар — Бухоро районидаги Мичурин номли боғдорчилик совхозининг директори Олим Ҳасанов, аграр-саноат бирлашмасининг «Галаосиё» совхоззаводи бригадаси бошлиғи Ўмур Ойназаров, Бухоро шаҳридаги Фрунзе номли совхоз бригада бошлиғи Насрулло Нутфуллаев, Гиждувон районидаги С. Айний номли колхознинг боғбони Аҳмад Жўраевлар «Бухоро ҳақиқати» газетаси орқали областдаги сабзавоткорлар, боғбонларга, аграр-саноат бирлашмаси ходимларига, савдо, тайёрлов органлари, мева-сабзавотни қайта ишлаш корхоналари раҳбарларига, барча меҳнаткашларга мактуб билан мурожаат қилиб, аҳолини йил — ўн икки ой сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари, узум билан таъминлаш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўришга даъват этишди. Қувончлиси шундаки, бу мактубга областнинг ҳамма районидаги ноз-неъмат бунёдкорлари «лаббай» деб жавоб беришди.

Бу борада Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлигига қарашли Бухоро область аграр-саноат бирлашмаси катта ишларни амалга ошираяпти. Ҳозир шу бирлашмага бўйсинадиган 16 та совхоз мавжуд. Уларнинг аксарияти илгари қақроқ чўл бўлган жойлар ўрнида ташкил этилган. Озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун бирлашма олдида 1990 йилгача узум етиштиришни 1981 йилдагига нисбатан 5,3 баравар, хўл мевани — 3,1 баравар, сабзавотни — 1,6 баравар кўпайтириш вазифаси турибди. Бунинг учун боғ ва токзорлар майдони 2,4 баравар кенгайтирилиши кўзда тутилянти. Бухороликлар бу йил республикада биринчи марта майиз ва хўл мевани қуритиш учун гелиосушилка ускунасидан фойдаланишянти.

Бухоро учун баланд-баланд миноралар таниш манзара. Бўлар фақат авлодлар томонидан бино бўлган қадимий санъат намуналаригина эмас, айни пайтда замонамиз бунёдкорлари томонидан бошқарилаётган ҳавозалар, кўтарма кранлар ҳамдир. Бу қурилишлар асосан меҳнат кишисининг фароғати учун, озиқ-овқат маҳсулотларининг мўллиги учун қад ростлаяпти. Гиждувон шаҳрида ҳар йили 10 миллион банка консерва тайёрлайдиган завод қурилишининг лойиҳаси тайёр бўлди. Свердлов районида ҳам консерва заводи қурилиши кўзда тутилянти.

Областда чорвачилик объектлари ҳам энига, ҳам бўйига ўсяпти. Колхоз ва совхозларда, ёрдамчи ва шахсий хўжаликларда чорва моллар сони тобора кўпайиб бормоқда. Маҳсулдорлик кўрсаткичлари ҳам чакки эмас. Ҳозир областда ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут ўтган йилнинг шу давридагидан 200 килограмм олдинда борянти. Алмашлаб экишдек муҳим тадбир ҳам чорва учун қулайлик туғдирянти. Айни пайтда областнинг 152 минг гектар суғориладиган майдонида алмашлаб экиш тўла ўзлаштирилди. Жами экинзорларнинг 34 процентида озуқа ва дон экинлари ўстирилянти. Илгор хўжаликларда деҳқонлар билан суҳбатлашганимизда муайян бир участкада келгуси йилда ёки яна уч йиллан кейин қандай экин экишимни аниқ айтиб бердилар.

Хўш, областда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар йўқми? Уларни ҳар бир район, ҳар бир хўжаликда кузатиш мумкин. Катта ишлар амалга оширилаётган жойда муаммоларга дуч келиниши табиий. Аммо баъзи проблемалар характери жиҳатидан хўжаликка раҳбарлик қилишдаги номутаносибликдан, таъбир жоиз бўлса, бир ёқламаликдан келиб чиқаётганлиги кишида ташвиш туғдиради. Масалан, алмашлаб экишни ўзлаштириш аҳволини олиб кўрайлик. Область бўйича бу борадаги иш умуман дуруст бўлган бир пайтда Қоракўл, Олот ва Когон районларида алмашлаб экишни ўзлаштириш 60 процентдан ҳам паст. Олот районидаги Ленин номли колхозда бу кўрсаткич 32 процентни ташкил этади. Келажакни кўзлайдиган хўжалик раҳбарлари бунга асло йўл қўймайди.

Чорва маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришнинг асосий омили молларнинг бош сонини ошириш. Буни ҳар қандай чорвадор яхши билади. Аммо билиш бошқа, амал қилиш бошқа эканда?! Бухоро областида ҳар юз бош сигирдан 78 талан бузоқ олиняпти. Табиий қиём шароити бир-бирига яқин бўлган Самарқанд областида бу кўрсаткич салкам 90 таданга бориб қолади. Бухороликлар шу ўринда ҳам анчагина резервлар борлигини ҳисобга олишлари керак.

Озуқадан оқилона фойдаланиш дегани анча кенг тушунча. Бунда ем-хашакни етарли ва зарурий компонентлар билан бойитишни ҳам, мавжуд озуқадан тежаб-тергаб фойдаланишни ҳам тушуниш мумкин. Олот райони чорвадорлари 1 центнер сут етиштириш учун 1,4 центнер озуқа бирлиги сарфлашни норма қилиб олишган. Аммо аслида олотликлар 3 центнер озуқа бирлиги сарфлашяпти. Когон районида бу кўрсаткич 3,26 центнерни ташкил этяпти. Ўз навбатида бу маҳсулдорликка ҳам таъсир этяпти. Масалан, иккала районда ҳар бош сигирдан сут соғиб олиш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 5—7 процент камайиб кетди.

Свердлов районида бизга четдан қараганда майда-чуйда бўлиб кўринган бир муаммони гапириб беришди. Район колхоз ва совхозларида аҳолидан сут қабул қилишни кўпайтириш ишига... сутнинг ёғлилигини аниқлайдиган асбоб тўсқинлик қилаётган экан! Аниқроғи, бундай. Шахсий хўжаликларден сут район марказида эмас, албатта қишлоқларнинг ўзида қабул қилиб олинади. Маҳсулот топширувчиларга қулай бўлсин учун шундай қилинади. Лекин бу қулайликнинг бир ноқулайлиги бор экан. Хонадонлар эҳтиёждан ортиқча сутни пунктга ёғлилигини аниқлатмасдан топшираверадилар. Жами сут йиғиб олингач, райондаги лабораторияда маҳсулотнинг ёғлилик даражаси аниқланади ва одамларга ўртача натижага қараб, бирдай ҳақ тўланади. Бунда сифатли, серқаймоқ сут топширган одам манфаатдор бўлмайди. Ҳолбуки, маҳсулотга ҳақ тўлаш унинг пировард натижасига қараб жорий этилса тўғри бўлади. Свердловлик мутахассислар сут қабул қилинган жойнинг ўзида унинг ёғлилигини аниқлаш учун махсус асбоб ҳам, имконият ҳам йўқ, дейишяпти. Чунки лабораториядаги асбоб кўпайтирилганда ҳам вақт кўп талаб қилинади. Бизнинг фикримизча, хўжаликларнинг раҳбарлари бу аҳволни тўғрилаш учун олимлар билан алоқани яхшилашлари керак. Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтида сутнинг ёғлилигини теакорлик билан аниқлаш устида иш олиб борилянти. Буни хўжаликларда қандай амалга ошириш мумкинлиги ҳақида институт олимлари ҳаммабоп тавсия берсалар айни муддао бўларди.

Бу хил муаммоларни оддийлик билан ҳал этиш мумкин ва лозим. Бунинг учун имконият бор, энг муҳими — одамларнинг интилиши бор. Ана шу интилишни, халқнинг буюк қудратини белгиланган режаларни амалга оширишга йўналтириш областдаги партия, совет, қишлоқ хўжалиги органлари, колхоз ва совхозлар раҳбарларининг асосий бурчларидир. Бу бурчга садоқат қишлоқ хўжалигининг келгуси ривожини — совет кишиси дастурхони учун озиқ-овқат маҳсулотлари мўллигини таъминлайди.

М. АБДУЛЛАЕВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.
Ш. ЖАББОРОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

25 ИЮЛЬ — СССР ҲАРБИЙ ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ

Бундан қирқ йил муқаддам Ленинградда Нахимов номидаги ҳарбий денгиз ўқув юрти ташкил топди. 1944 йил июнь ойида Петроград соҳилларига уруш пайтида отаонасидан жудо бўлган болалар тушган кемалар келиб тўхтайди. Булар жангчиларнинг ўғил-қизлари эди. Бу болалар орасида ҳарбий полклар, жанговар кемалар ўз мураббийлигига олган ўсмирлар ҳам бор эди. Улар бўлажак нахимовчилар эди.

Эндиликда Нахимов номидаги ҳарбий ўқув юртига саккизинчи синфни битирган йигит-қизлар қабул қилинмоқда. Бу ерда бўлажак денгизчилар жанговар кемаларни бошқариш сирларини ўрганадилар.

«Октябрь революцияси» крейсери ёш Совет давлатини биринчи бўлиб ҳимоя қилган Болтиқ флоти анъаналарига содиқдир. Флот Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам қаҳрамон шаҳар Ленинградни ҳимоя қилишда жасорат кўрсатди. «Октябрь революцияси» крейсерини кўп миллатли интернационал онла дейиш мумкин. Унда турли миллатларнинг фарзандлари хизмат қилмоқдалар. Шу кунларда кўш Қизил Байроқли Болтиқ флоти жангчилари ўртасида СССР 60 йиллиги шарафига жанговар ва сиёсий тайёргарликни ошириш юзасидан социалистик мусобақа авж олдирилган.

Суратларда: 1. Грузиялик мелиоратор матрос М. Давитулиани ўзининг жонажон ўлкаси ҳақида денгизчиларга гапириб бермоқда. 2. Аъло чи нахимовчилардан Алексей Борисовский, Игорь Понаков, Алексей Молчанов, Константин Дундуков машқ пайтида.

О. Пороховников фотолари.
(ТАСС фотохроникаси).

ЭРТАГА—КУБАДА МИЛЛИЙ ҚЎЗҒОЛОН БОШЛАНГАН КУН

Сантьяго-де Куба — Озодлик оролининг шарқидаги революцион анъаналарга бой йирик шаҳарларидан бири. 1953 йили айни шу шаҳарда Куба революциясининг муқаддимаси — Монкада казармаси штурм қилинган эди. 1956 йилда «Гранма» яхтасида бу ерга келган Фидель Кастро бошлиқ ватанпарварлар диктатор Батиста ҳукмронлигига қарши қуролли қўзғолон бошлагандилар.

Суратларда: 1. Сантьяго-де-Кубадаги қадимий бинолардан бирига жойлашган шаҳар тарихи музейи. 2. Революция қаҳрамонларидан бири — Абелио Сантамарига ўрнатилган ёдгорлик.

А. Бородин фотолари.
(ТАСС фотохроникаси).

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ВЬЕТНАМ ШОЛИКОРЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

ХАНОЙ. ВИА информация агентлиги хабар беради: мамлакат деҳқонлари баҳорги шоли ҳосилини ўтган йилдагидан бир неча баравар кўп йиғиштириб олдилар.

Республикада муҳим озиқ-овқат экини ҳисобланган шолининг асосий ҳосили кузда йиғиштириб олинади. Кейинги вақтларда агротехника такомиллаштирилганлиги, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши механизациялаштирилганлиги, шолининг янги тезпишар навлари экилганлиги натижасида кўкламги шоли ҳосили тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Кўкламги шолининг мамлакатдаги ўртача ҳосилдорлиги рекорд даражага — гектар бошига 27,8 центнерга етди. Хайхинг Тхайбинг ва республиканинг бошқа шимолий вилоятларидаги кооператив далалари меҳнаткашлари айниқса зўр ғайрат билан меҳнат қилдилар.

Шимол шоликорларининг эришган муваффақиятлари Вьетнам Коммунистик партияси ва ҳукуматининг деҳқонларни кооперативлаш йўли тўғри ва ҳақиқий йўл эканлигини тасдиқлайди, кооперативларни мустаҳкамлаш ва қишлоқ меҳнаткашларининг меҳнатини рағбатлантириш юзасидан кўрилаётган тадбирлар самарали эканлигидан далолат беради.

(ТАСС)

КОНТРРЕВОЛЮЦИОНЕРЛАР РЕЖАСИ БАРБОД ЭТИЛДИ

МАНАГУА. (ТАСС мухбири). Сандиночилар халқ армиясининг ва Никарагуа ички ишлар министрлиги бўлинмаларининг жангчилари Гондурасдан Селая департаментига юборилган контрреволюцион гуруҳни тор-мор қилдилар. МРБнинг инструкторлари пухта тайёрлаган контрреволюционерлар Пуэрто-Кабесас портини ва индеецларнинг Тасба-При қишлоғини ишғол этишни режалаштирганлар. Бундай ҳуруж собиқ самосачи қотилларининг АҚШ авиацияси ва ҳарбий денгиз кучлари мададида Никарагуага ёпирилиб ҳужум қилиши учун сигнал бўлиб хизмат қилиши керак эди.

Никарагуа бешинчи ҳарбий округининг қўмондони Рамон Масис бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида контрреволюционерлардан 75 киши йўқ қилинганлигини ҳамда Америкада ишлаб чиқарилган кўп миқдордаги қурол-яроғ ва ҳарбий аслаҳа-анжомлар ўлжа олинганлигини маълум қилди. Ҳозирги вақтда, деди у, Сандиночилар халқ армияси ана шу районда бошқа контрреволюцион гуруҳларни топиб йўқ қилиш операциясини ўтказмоқда. Ана шу гуруҳларнинг сафларида салкам бир минг киши бор.

МОНГОЛИЯ МУЙНАЛАРИ ЖАҲОН БОЗОРИДА

УЛАН-БАТОР. Ҳар йили жаҳон бозорида Монголия мўйналарига бўлган талаб ошиб бормоқда. МХРнинг ташқи савдо ташкилотлари Ленинград, Лейпциг, Лондондаги халқаро мўйна аукционларига 20 турдан кўп-роқ мўйна юбормоқда. Чет эллик харидорларга айниқса ёввойи мушук, норка, тўқ сариқ ва қорақўнғир тулки, андатра, суғр терилари айниқса манзур бўлмоқда.

Республикада мўйнали ҳайвонларнинг қиммати зот-ларини сақлаб қолиш ва урчитиб кўпайтириш соҳасида кўп иш қилинмоқда. Ихтисослаштирилган ҳайвончилик хўжаликлари бунга кўп жиҳатдан ёрдам бермоқда. Бундай хўжаликларда нумушсимон қора тулкилар, норкалар, андатралар муваффақиятли равишда урчитилмоқда.

ЭРОН-ИРОҚ ФРОНТИДА

БАҒДОД. (ТАСС). Ироқ расмий шахслари мамлакат территориясида уруш ҳаракатларининг борили тўғрисида журналистларга ахборот бердилар. Шу маълумотларга кўра 13—16 июлда Эрон қўшинларининг ҳужуми давомида ироқликлар чегарадан Басрага қараб 15 километр чекинганлар, шундан кейин Эрон қўшинлари группасининг олға силжиётган қўшинларига икки томондан зарба бериб, уларни қуршаб олганлар, бутун шахсий составнинг учдан икки қисмини йўқ қилганлар ёки асир олганлар. Эронликлар 16—17 июлда шу секторда яна ҳужум қилганлар, аммо ўз қўшинларининг тўртдан уч қисмидан маҳрум бўлиб Ироқ территорияси ичкарисига қараб бир неча километргина силжишга муваффақ бўлганлар.

ТЕҲРОН. Эрон қуролли кучлари бирлашган штаби ҳамда «Ислом республикаси посбонлари» корпуси марказий штабининг эълон қилинган ҳарбий ахборотига кўра Эрон қўшинлари кейинги икки кун давомида Ироқ территориясида жами майдони 250 километрдан иборат плацдармда жанг олиб борганлар. Душманнинг солдатлари ва техникасига катта талафот етказилган.

ИРНА агентлиги Эрон артиллериясининг Банамил районида нефть объектларини ўққа тутганлиги ва бу ерларда ёнғин чиққанлигини хабар беради. Ироқнинг Кале-Канди ҳарбий базасига ҳам катта зарар етказилган.

ВАКИЛЛАР ПАЛАТАСИНИНГ ҚАРОРИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). АҚШ конгрессининг вакиллар палатасида ажал урғини сочувчи химиявий қуролнинг янги тури—бинар ишлаб чиқариш учун келгуси молия йилига ажратилган маблағни Пентагон бюджетидан қайтариб олишни ёқлаб ҳарийб 100 киши кўпчилигида овоз берилди. Рейган маъмурияти ана шу мақсадлар учун 54 миллион доллар сўраган эди. Вакиллар палатаси ташқи ишлар комиссиясининг раиси К. Заблоцкий ва республикачилардан сайланган конгресс аъзоси Э. Бетьюн 1983 молия йилига мўлжалланган АҚШ ҳарбий бюджетига тегишли тузатишнинг авторлари бўлдилар.

Вакиллар палатасининг қарори, айниқса бу қарорнинг шу қадар кўпчилик овоз билан қабул қилинганлиги Америка қонун чиқарувчилари ўртасида Рейган маъмуриятининг химиявий урушга кенг кўламда тайёргарлик кўриш йўлидан ташвиш кучайиб бораётганлигини акс эттиради.

К. Заблоцкий конгрессда сўзга чиқиб, АҚШнинг химиявий қурол янги турларини яратишдан иборат режалари Ғарбий Европада ташвиш ва қаршиликни тобора кучайтираётганлигини айтди. Пентагон ана шу қуролни Ғарбий Европада жойлаштиришни мўлжалламоқда. Бундай режалар, деди у, хатарли ва бемаъни бўлиб, булар АҚШ миллий хавфсизлиги манфаатларига ёрдам бермай, балки бу манфаатларга зарар етказади.

Шунга қарамай, вакиллар палатасининг қарори ҳозирча узил-кесил қарор эмас. Май ойида ҳарбий ҳаражатлар тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида сенат унда бинар қуролини яратиш учун маблағлар қолдирди, шу муносабат билан бу масала конгрессининг келиштирувчи комиссиясида бартараф этилиши керак бўлади. Обзорчилар маъмурият ўзининг хатарли режалари амалга оширилишига эришиш мақсадида қонун чиқарувчиларга қаттиқ тазйиқ кампаниясини авж олдириб юборади, деб кутмоқдалар.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

РАБОТ. Исроилни қуроллантириб ва унга ҳар томонлама ёрдам бераётган империалистик давлатлар, энг аввало Қўшма Штатлар Исроил қўшинлари Ливан ва Фаластин халқларига нисбатан ўтказаётган қиргинчилик сиёсати учун жавобгардирлар, деб ёзади Марокашда чиқадиган «Ал-баён» газетаси. Ливандаги аҳволни юмшатиш учун деб давом этади газета, фаластинликларни Байрутдан «кўчириш» эмас, балки Исроил агрессор қўшинларини Ливан территориясидан олиб чиқиб кетиш ҳамда Вашингтон билан Тель-Авив фаластинликларнинг ажралмас миллий ҳуқуқларини, шу жумладан ўз мустақил давлатини тузиш ҳуқуқини эътироф этиш зарур.

ЛОНДОН. Британия оролларида шу йилнинг охирига бориб ишсизлар армиясига яна 750 минг киши келиб қўшилади. Бу билан мамлакатдаги ишсизлар 4 миллион кишига етади.

ВАШИНГТОН. Америка конгресси сенати АҚШ тарихида федерал солиқларни энг кўп миқдорда ошириш тўғрисидаги қарорни маъқуллади. Рейган маъмуриятининг фармойиши билан иш кўраётган конгрессининг юқори палатаси давлат хазинасига келгуси уч йил давомида олинадиган солиқларни 99 миллард долларга кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилди.

БАҲОР ТОНГИ

Босит ҲАЛИЛОВ

Адиб Босит Ҳалилов янги қисса ёзди. «Баҳор тонги» деб номланган бу асарда автор қишлоқ кишиларининг ҳаёти, беҳаловат меҳнати, янгилик ва эскилик ўртасидаги кураш, одамлар муносабатидаги зиддиятларни қаламга олган. Бош қаҳрамон — Қумрихон мисолида бугунги деҳқон хотин-қизларнинг маънавий қиёфаси, орзу-ўйлари, интилишлари турмуш йўлидаги қийинчиликларга чамбарчас боғлиқ ҳолда тасвирланади.

Қуйида шу қиссадан парча босилмоқда.

ҚИССАДАН ПАРЧА

Қодирқул аччиқ устида уйдан чиқиб кетганидан кейин қишлоқда ҳар хил пастбаланд гаплар оралаб қолди. Эл-юртга элак тутиб бўлмас экан. Биров Қодирқулни ёмонласа, бошқаси Қумрихонни айбларди. «Қумрихон ҳам ўзига етгунча», «Тили ёмонлигидан эри ташлаб кетган», — деган миш-мишлар кўпайди. Қодирқулнинг ташлаб кетганидан ҳам кўра мана шундай маломатларга қолиш Қумрихонни қаттиқ эзиб юборди. Қани энди ер ёрилсаю, кириб кетақолса. У ўз ёғига ўзи қоврилиб жиғи-бийрон бўларди. Колхозда йиғим-терим авжига чиққан, ҳамма ёпирилиб далада ишлаётган бўлса-да, Қумрихон бир томондан уялганидан, иккинчи томондан оёғи лат егани учун бир ҳафтадан бери уйдан ташқарига чиқмади.

Тожи Мирзаев билан далани айланиб юрган райком секретари Комил Муродовнинг кўзи пайкал четида бекор турган янги терим машинасига тушди.

— Бу машина кимники, нимага бекор турибди? — сўради у раисдан.

Тожи Мирзаев бунақа пайтларда довдирайдиганлардан эмас эди. Ўйлаб ўтирмай дарҳол жавоб берди.

— Қумрихоннки, у касал.

— Қанақа касал?

— Билмадим, иситмаси баланд эмиш.

— Ердамчиси қани?

— Ердамчиси — эри Қодирқул, хотинига қараб турибди.

— Шунақа денг? — деди Муродов бу гапга ишонқирамай. — Ҳайдовчиси касал бўлса, машина бекор турадими?

— Йўқ, юргизамиз, ҳозироқ машина юборибсиз бирон-тасини топтириб келаман.

— Кечқурун натижасини менга айтинг, — деди Муродов машинага чиқаркан.

— Хўп бўлади... Ахир чой-пой ичардик.

Муродов унинг гапини эшитмагандай шоферга қараб, кетдик, деди. Раис дала йўлларини чангитиб кетаётган машинанинг орқасидан серрайганча қараб қолди. Ўпкадай қизариб кетган хомсемиз юзидан оқаётган дона-дона терни артди. Муродовнинг тошириғини эслаб, бу гапни кечгача унутиб юборади, деган қарорга келди. Бироқ Муродов кечқурун раис телефон қилишини узоқ кутди. Раисдан дарак бўлмади. Муродов эрталаб катта йўллаш ўтиб кетаётиб Қумрихонларнинг ҳовлиси олдига етганда шоферга: «Тўхтанг, Қодирқулни чақиринг», — деди. Шофёр эшикни тақиллатганда ичкаридан Қодирқул эмас, Қумрихоннинг ўзи чиқиб келди. Муродов ҳайрон бўлди. Сўнг машинадан тушиб, унинг олдига борди.

— Сизни касал деб эшитгандим, қалай саломатмисиз?

— Ким айтди? — сўради Қумрихон кўзларини катта очиб.

— Раис.

— Раис?

Қумрихон бирдан аллақандай бўлиб кетди. Беихтиёр кўзларидан дув-дув ёш тўкилди. Муродов бунда бир гап борлигини пайқади.

— Ие, не, бу нимаси, сиз меҳмонни кўз ёши билан қаршн олар экансиз-да. Бирон иғёла чой-пойингиз йўқми? — деди Муродов жўрттага.

Қумрихон кўз ёшларини енги билан артиб зўрга жилмайди. Қалтироқ овоз билан «кечиринг» деди-да, ичкари юра бошлади.

Муродов таажжубланиб унинг орқасидан эргашди. Қумрихон ҳовли ўртасидаги сўрининг четига кўрпача солди.

— Ўтиринг, — деди у Муродовга ердан кўзини олмай.

Муродов ўтирди. Қумрихон тик турганча асабий ҳолда қўлини ишқалар эди.

— Қумрихон, айтингчи, ўзи ниҳа гап? Авжи йиғим-терим пайтида уйда ўтириш нимаси? Бир кунда ўн тўққиз тоннага етказиб пахта териш ҳазил гап эмас. Бир кунда икки юз килограммдан пахта терадиган қанча кишининг иши бу, тўғрими?

Муродов мақтаб Қумрихоннинг кўнглини кўтармоқчи, ҳозирги долзарб пайтда уйда бекор ўтирмай далага чиққин, демоқчи эди. Бироқ Қумрихон хурсанд бўлиш ўрнига баттар хафа бўлиб кетди.

— Мен бахтсиз, бахти қаро эканман. Қаёқдан ҳам механик-ҳайдовчи бўлдим. Мана энди бошим галвадан чиқмай қолди. Ичиб турган ошимга заҳар тушди, —деди-да тескари ўгирилиб пиқиллаганча йиғлай бошлади.

Бир машинанинг бекор туриб қолишидан чувалашиб чиқаётган бундай гаплар Муродовни ҳушёр торттирди. У энди бу жумбоқни ечиши зарур эди. Нима гап эканлигини секин суриштира бошлади.

— Қумрихон, тўхтанг, кўз ёши билан иш битмайди. Менга воқеани дурустроқ тушунтириб беринг.

— Ростини айтсам, мен ҳали бунчалик кўп пахта терадиган бўлганим йўқ. Уни Қодирқул акам иккаламиз тергапмиз.

— Елғиз ўзингиз термаганмисиз ?

— Йўқ, эр-хотин бир киши деб раис Қодирқул акам терган пахтани ҳам менинг номимга ёздириб қўйибди.

— Кейин нима бўлди?

— Кейин Қодирқул акам мени талоқсан, деб ташлаб кетди.

— Терилган пахта сизнинг номингизга ёзилгани учунми?

— Йўқ.

— Бўлмаса нимага кетиб қолди?

ҚИССАДАН ПАРЧА

Райком секретарининг саволига жавоб бериш Қумрихонга жуда оғир ва мушкул эди. «Қайси юзим билан бу воқеани унга айта оламан, бу шарми-хаёсиз экан, деб айтса-я», — ўйларди у икки қўли билан қизариб кетган юзини ушлаб. Дарҳақиқат хаёли ёш жувонлар учун гарчанд бегуноҳ бўлса ҳам бундай гапларни айтиш осон эмас. Бироқ, индамай жим туриш ундан баттар ёмон оқибатларга олиб келиши, қанча маломатларга қолдириши мумкин. Шундай иститҳолага бораркан, Қумрихон Муродовга гапни бошдан-оёқ айтиб бермоқчи бўлди. У минг хил андиша билан жавоб беришга оғиз жуфтладию, бўлган воқеани бирма-бир хаёлидан ўтказди.

...Тожи Мирзаев Қумрихонни «районда мажлис бор» деб олиб кетганда қош қорайиб қолганди. Машина район марказига яқинлашганда йўл ёқасида тўладан келган, атлас кўйлак, қора бахмал камзул кийган бир аёл кўринди. Раис уни кўриши билан шоферга «Тўхта», — деди. Аёл дарров машинага яқин келди.

— Хосият ая, саломат юрибсизми? Бу ерда нима қилиб турибсиз? — деди раис.

— Қачон келар экансизлар, деб йўл пойлаб турибман-да, ўргулай. Қани, уйга кирамиз.

Қумрихон аёлнинг гапини шунчаки мазират деб тушуди.

— Йўқ, раҳмат, мажлисга кетяпмиз, — деди раис.

— Мен ўша ердан келяпман. Ҳали-бери мажлис бўладиган эмас. Унгача бирор пиёладан чой ичинглар, ахир.

— Раҳмат, борайлик. Айтгандек, мажлис бошлангунча Қумрихон шу ерда турса ҳам бўлади. Кейин машина юборарман. Майлими, Қумрихон? — деди раис.

Қумрихон иккиланди. Истар-истамас жавоб берди.

— Майли.

Қумрихон машинадан тушиши билан раис жўнаб кетди.

Хосият ая эллик ёшлардан ошган бўлса ҳам қошига ўсма қўйиб, кўкартириб олган, чап юзига ясама ҳол қўйган сатанг бир аёл экан. У Қумрихон билан илиқ кўришди. Айланиб кетай, ўргилиб кетай, деб атрофида парвона бўла бошлади.

Ая уни катта кўчадан бир томони кенг далага туташиб кетган, иккинчи томонига сийраккина иморат тушган хилват кўчага бошлади. Бироз юришгач, пастқам ҳовлидаги чоғроқ уйга олиб кирди-да, шоша-пиша кўрпача устига кўрпача солди. Енига пар ёстиқ қўйиб ўтиришга ундади. Фотиҳадан кейин Қумрихоннинг чиройлилигини мақтаб: «Туф-туф, илоё кўз тегмасин», — деб қўйди.

Хосият ая тинмай жаврар, хушомад қилиб Қумрихонни кулдиришга ҳаракат қиларди.

— Ёшликка нима етсин, умр баҳори, дейдилар. Уни бекорга ўтказганлар кейин менга ўхшаб армон қилиб юрар экан. Мен ўтиб кетган ёшлигимга туриб-туриб ачиниб қўяман. Ўзим ҳам ўша вақтларда ўлгудек гўл, ҳафтафаҳм эканман-да. Энди эрга теккан ёш келинчаклик пайтим эди. Бир йигит ошиқ бўлиб қолса бўладими! Хўп пайимга тушиб ўлгудек йўлимни пойлаб юрди. Мен ўлгур ноз қилиб ундан қочиб юрдим. Ҳали-ҳали ачинаман. Гаплашсам еб қўймас эди-ку. Ёшликда одам шунақа нодон бўлар экан. Энди сиздақа жувонларни кўрсам ёшликда ўйнаган-кулган қолади, деб насиҳат қиламан. Қани энди менга ҳам биров қараса. Жон-жон деб индамай қўйнига кириб кетардим, — деди Хосият ая ўзи ҳо-ҳолаганча кулиб.

Қумрихон Хосият аянинг ниятини англади, сир бой бермаслик учун ясама кулиб қўяқолди-да, бир илож қилиб бу ердан чиқиб кетишни ўйлай бошлади.

— Вой ўлай, мажлис нима бўлдийкин, жуда кеч бўлиб кетди-ку, — деди Қумрихон атрофга қараб.

Хосият ая бепарво жавоб берди.

— Шунга ҳам ташвишми? Бемалол ўтиравернг. Мажлис бўлмаса, яна яхши. Қайтага маза қилиб гаплашиб ўтирамиз. Мен ҳозир келаман, — деди-да чиқиб кетди. У ошхонада ўралашиб юрганда Қумрихон пайтдан фойдаланиб, ўзини ташқарига урди. У энди эшикдан чиққан эди қамки, катта йўл ёқасида бир машина тўхтади-да, ичидан одамни туширгаб, юриб кетди. Қумрихон сездики, раис келяпти. Яна орқага қайтишдан бўлак иложи қолмади.

Тожи Мирзаев ширакайф бўлиб олганди.

— Саломалайкум, яхши ўтирибсизларми? Қумрихон, зерикмадингизми? — деди Тожи Мирзаев пар ёстиққа суянар экан.

Хосият ая гинахонлик қилган бўлди.

— Намунча кечикдингиз кўзимизни тўрт қилиб?

— Э, ая, бекорга пойлаб ўтиравернбмиз. Мажлис қолдирилган экан. Буёққа келай десам, машина бузилиб қолса бўладими, шоферни тоза уришдим. У қоланди. Бошқа машина топиб аранг етиб келдим. Қоринлар ҳам очиб, пиёз пўсти бўлиб кетди, ейдиган ҳеч нарсангиз борми?

— Кеч қолган кишига овқат йўқ, тўғрими, Қумрихон?

Қумрихон индамади. Хосият ая раисга маъноли кўз қисиб, чиқиб кетди. Қумрихоннинг қалби безовта, бирон кори-ҳол бўлишини сезиб турарди. Бу ерда бир дақиқа ҳам қолиш мумкин эмас, — ҳаёлидан ўтказди у.

Пайт пойлаб турди-да, Хосият ая ошхонада куймаланиб юрганида «мен ҳозир» деб ҳовлига чиқди. Ҳовли эшигини секин очиб, ўзини кўчага урди. Сал юриши билан кимдир «Қумрихон» деб чақирди оҳиста. У қаттиқ чўчиб, жон ҳолатида ўзини дуч келган эшикка урди. Бироқ эшик берк бўлганидан суяниб қолди. Орқасидан кимдир югуриб келди.

— Яқинлашманг, нари туринг, бўлмаса дод дейман!

— Қўрқманг, мен Акрамман.

Бу маҳал Хосият аянинг ичкаридан «Қумрихон» деган товуши эшитилди.

— Эй тезроқ бўлсангизчи. Ана сизни ахтариб юришипти. Тезроқ бўлинг, мени раис кўрмасин, — деди Акрам. — Қани машинага чиқинг.

Машина юриб кетаётган бўлса ҳам Қумрихон ҳамон ўзига келолмас, қўрқиб кетганидан тез-тез орқасига қарар, ҳансираб нафас олар эди. Бошидаги рўмоли елкасига тушиб, сочлари тўзиб кетганди.

Улар анча йўл босишганидан кейин Акрам ётиги билан тушунтира бошлади:

— Биласизми, бу хотин қўшмачи, ярамас. Раис районга борганда сен кетавер, деб менга жавоб бериб юборди. Қарасам, раснинг нияти бузуқ. Сенин четда турибнима қиларкин, деб пойладим. Бироздан кейин у таксига ўтириб шу ёққа жўнади. Унинг орқасидан мен ҳам етиб келдим. Хайрият ўзингиз чиқиб қолдингиз, —деди.

Қумрихон ёш боласини, Қодирқулни кўз олдига келтирди.

— Энди Қодирқул акамга нима дейман, вой ўлмасам, — деди Акрамнинг олдида хижолатгаботиб.

— Ташвишланманг, йўли бор. Айбни мен ўз бўйнимга оламан. Йўлда машинанинг балони ёрилиб кетди дейман.

...Қумрихон шу воқеани Муродовга бошдан-оёқ гапириб берди.

Шу туфайли уятга қолганидан ўкиниб-ўкиниб йиғлади. Муродов газабланиб ўрнидан туриб кетди. Папирос чекиб одати бўйича у ёқдан-бу ёққа юрди. Сўнг Қумрихонга қаради.

— Бу гаплардан Қодирқулнинг хабари борми?

— Йўқ.

— Бўлмаса нимага сиз билан уришиб кетиб қолди?

— Қилғилиқни Мирзаев қилди-ю, балога менга ёрдам берган Акрам қолди. Акрамдан қизганиб мен билан уришди. Бир фалокат бўлмасин, деб бу гапни очиқ айтишга қўрқдим.

Мирзаев илгари бошқа колхозда раислик қилиб анча обрў орттирган эди. Бироқ, бўлар-бўлмасга мақталаверганидан манманлашиб кетди. Колхозчиларни менсимай қўйди. Бемаслаҳат тўй қилган бир колхозчининг қозонини бориб тепди-ю, обрўси тўкилди. Кейин хотинбозлиги тўғрисидаги сирлари очилиб, ишдан бўшатилди. Беш-олти йил ҳар хил ишларда бўлди. Кейин собиқ райком секретари тавба қилгандир деб «Ғайрат» колхози раислигига тавсия этди.

Муродов шуларни эслаб:

— Бу одам ҳали ҳам тавбасига таянмаган экан-да, аттанг, — деди афсусланиб.— Энди гап бундай, Қумрихон, сиз ҳозирча ҳеч кимга бир нима демай туринг, ўзимиз секин чорасини кўрамиз, хўпми?

—Хўп.

— Лекин эртадан боқлаб далага чиқинг. Тузукми? Бургага аччиқ қилиб, кўрпани қуйдирманг. Машина колхозники, пахта ҳам.

Қумрихон «маъқул» ишорасида бошини қуйи солиб турарди.

СССР соғлиқни сақлаш аълочиси Анваржон Пардабоев яхши хулқ-одоби, самимий муомаласи ва ташкилотчилиги билан кўпчилик ўртасида обрў-эътибор қозонган медицина ходимларидандир. Хўжаобод районидаги Кулла қишлоқ Совети территориясидаги участка шифохонаси бош врачи бўлиб ишлаётган бу саломатлик посбони қишлоқ Советининг депутати сифатида ҳам кўпгина жамоатчилик ишларини бажармоқда.

Суратда: А. Пардабоев.

Т. Ҳамроқулов фотоси.

АХБОРОТ

ПЕШКУДА РАНГЛИ ТЕЛЕКЎРСАТУҚ

Янгибозор посёлкасида (Пешку райони) Марказий телевидение кўрсатувларини қабул қилиб олувчи қурилма монтаж қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Бу қурилма Марказий телевидениенинг кўрсатувларини фазодаги «Молния» йўлдоши орқали қабул қилиб олади.

Марказий телевидение программаларини уй антеннаси орқали саккизинчи каналда томоша қилиш мумкин.

М. БАҚОЕВ.

ЧЎЛ ҒУНЧАЛАРИ

Жиззах область Пахтакор районида айни кунларда ўнга яқин бадиий ҳаваскорлик коллективлари фаолият кўрсатяпти.

Улар орасида, айниқса, «Гулзор», «Умид», «Фероза» ва «Эпоха» каби коллективлар ўз репертуарларини бойитиб, район, область, республика кўрикларида муваффақиятли қатнашишмоқда. Ўтган йили район маданият уйининг «Гулзор» ансамбли область комсомол комитетининг мукофоти билан тақдирланган эди.

Ҳозир ҳаваскорлик коллективлари СССРнинг 60 йиллик юбилейига атаб махсус концерт программаси тайёрлашмоқда. «Айёминг муборак, азиз Ватаним» деб номланган адабий композиция шулардан биридир. Чўлқувар санъаткорлар тез-тез хўжаликларда бўлиб, ўз маҳоратларини намойиш қилишяпти. Улар ижросидаги куй, қўшиқ ва рақслар меҳнаткашлар томонидан илиқ қарши олинмоқда.

И. УСМОНОВ.

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА ОБУНА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Алоқа министрлигининг матбуот тарқатиш бош бошқармаси маълум қиладики, 1983 йил учун газета ва журналларга обуна қилиш 1982 йил 1 августдан то 15 ноябргача ўтказилади.

Аввалги йилларда бўлганидек, коллектив обунани расмийлаштириш ва муддатнинг бир қисмига —отпуска, узоқ муддатли командировка, каникул вақтларини қолдириб обуна бўлиш мумкин.

Обуна «Союзпечать» корхоналари, алоқа бўлимлари ҳамда иш ва истиқомат жойидаги жамоат матбуот тарқатувчилар томонидан ўтказилади.

СПОРТ

ФУТБОЛ

КАПИТАННИНГ ТЎРТ ТЎПИ

Ўтган жума куни СССР чемпионатининг олий лигасида иштирок этаётган командалар ўртасида навбатдаги тур ўйинлари бўлиб ўтди. «Пахтакор» коллективи ўз майдонида Ленинграднинг «Зенит» командасини қабул қилди.

Маълумки, жаҳон чемпионати якунлангандан кейин ўтказилган икки турда «Пахтакор »ва «Зенит» футболчилари муваффақиятли иштирок эта олишмаган эди. Пахтакорчилар сафарда икки учрашувни бой беришди. Ленинградликлар эса икки матда фақат 1 очко олишга эришишди. Шундан келиб чиқиб рақиблар ўртасидаги ўйиннинг кескин курашлар остида ўтиши кутилди. Дарҳақиқат, дастлабки минутларданоқ майдонда тўп учун жанговар кураш борди. Сўнгра ташаббус пахтакорчилар томонига ўтди. Бунда, айниқса, команда капитани Андрей Якубик шерикларини олға ундаб, жонбозлик кўрсата бошлади. Навбатдаги ҳужумларнинг бирида пахтакорчилар капитани нишонни аниқ олиб, ҳисобни очди. Бу учрашувнинг 17-минутида содир бўлди. 5 минут ўтар-ўтмай Андрей яна ўз маҳоратини кўрсатиб, ҳисобни 2:0 га етказди. Танаффусга қадар меҳмонлар ҳам бир неча хавфли вазиятларни содир қилишди. Бундай пайтларда ҳимоячилар ва дарвозабонимиз хатоликка йўл қўйишмади.

Ўйиннинг иккинчи бўлими ҳам пахтакорчилар ташаббуси остида давом этди. 50-минутда Андрей Якубик яна ўз командадошлари қучоғида қолди. Унинг аниқ зарбидан сўнг меҳмонлар дарвозабони тўпни учинчи маротаба тўр ичидан олиб чиқишга мажбур бўлди. 63-минутда ленинградликлар дарвозасига киритилган тўртинчи тўп узоқ вақт мухлислар ёдида қолса ажаб эмас. Негаки, меҳмонлар дарвозасидан 30 метрча йироқда тўпни эгаллаб олган Якубик бир неча ҳимоячини алдаб ўтиб ниҳоятда усталик билан нишонни аниқ олди.

Маълумки, кўпчилик учрашувларда ҳисобда олдинга ўтиб олган пахтакорчилар асосий эътиборни ҳимояга қаратишлари натижасида қимматли очколарни бой бериб қўйишарди. Бу сафар ҳужумкорликда ўйнашни давом эттираверишди. Пировардида 74-минутда Жилкин меҳмонларни ўйинни бешинчи маротаба майдон марказидан бошлашга мажбур этди. Очиғини айтганда, мазкур учрашувни томоша қилгани стадионга ташриф буюрган мухлислар ўз севимли командалари ўйинидан мамнун бўлиб қайтишди.

Шу куни яна олти учрашув ўтказилди. Биринчилик пешқадами —Минскнинг «Динамо» командаси Олмаотада «Қайрат» коллективи билан куч синашди —2:2. Москвада «Спартак» футболчилари Одессанинг «Черноморец» командасини қабул қилдилар. Бу ўйинда ҳам кучлар тенг келди —1:1. Москванинг «Торпедо» коллективи биринчи давра сўнггидаги учрашувларни яхши ўтказиб, мухлислари эътиборини қозонмоқда. Торпедочилар бу сафар Боқуда маҳаллий «Нефтчи» командасига қарши ўйнаб, 2:0 ҳисобида ғолиб чиқишди.

Турнир жадвалининг сўнгги поғоналаридан ўрин эгаллаб турган Кутаисининг «Торпедо» ва «Донецкнинг «Шахтёр» коллективлари мазкур турда ҳам муваффақиятсиз иштирок этишди. Кутаисиликлар ўз майдонларида ЦСКА футболчилари билан бўлган учрашувни бой беришди.—0:2. Донецкликлар эса Днепропетровскда «Днепр» командасидан 0:1 ҳисобида мағлубиятга учрашди. Харьковнинг «Металлист» коллективи ўз майдонида Краснодарнинг «Кубань» клубини 1:0 ҳисобида енгди.

«Пахтакор» футболчилари биринчи даврадаги сўнгги учрашувни 27 июль куни ўз майдонларида чемпионат пешқадами — Минскнинг «Динамо» командаси билан ўтказишади.



✻

Боёвут районидаги Пушкин номли совхоз территориясида фойдаланишга топширилган янги болалар боғчаси хўжалик меҳнаткашлари ўғил-қизларини ўз бағрига олди. Мазкур кичкинтойлар муассасасида турли машғулотлар олиб боришга мўлжалланган кенг ва ёруғ ҳоналар бўлиб, дўмбоқчалар тарбияси билан малакали мураббиялар шуғулланишмоқда.

Суратда: янги болалар боғчасида.

Р. Нуриддинов фотоси.

(ЎзТАГ).

✻

«МАРҲАБО»НИНГ ПАРВОЗИ

«Каршистрой» бошқармасига қарашли «Марҳабо» аншула ва рақс ансамблининг ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин ўтган саккиз йил ичида ўз репертуаридаги ранг-баранг программали концертлари билан чўлқуварларнинг севимли бадиий коллективига айланди.

Ансамбль ҳаваскор ҳонанда, созанда ва рақосалари 1977 йилда Югославияда, 1978 йилда эса Польшада бўлиб, ўз санъатларини намойиш этдилар. Ансамбль 1979 йилда Қашқадарё область Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлди. Бу мукофот ансамбль коллективини янги парвозлар сари руҳлантирди. «Марҳабо»нинг мухлислар меҳрини қозониб, довруғ таратишида унинг бадиий раҳбари Ҳаким Шарипов, музыка раҳбари Нуриддин Азизовларнинг ҳиссаси салмоқли бўлгани. Ансамблнинг Ҳурматой Бадирова, Азамат Рўзиев, Солижон Рустамов ва София Рустамова сингари қатнашчилари ўз репертуаларидаги «Онажон», «Ватаним», тожикча «Рамзу шунанд», озарбайжонча «Сандур» қўшиқлари, шунингдек, «Олтин қўллар» ялласи, «Тоғ гўзали» рақслари билан томошабинларнинг олқишига сазовор бўлмоқдалар.

Ҳ. ХУШМАТОВ.

ОБ-ҲАВО

25 ИЮЛДАН — 31 ИЮЛГАЧА

Йилнинг энг иссиқ ойидаги сўнгги ҳафта ҳам келди. Ҳафта мобайнида ҳавонинг ўртача ҳарорати кўп йиллик ўртача кўрсаткичларга яқин бўлиши кутилади. Фақатгина республиканинг жанубий ва шарқий районларида об-ҳаво ҳарорати бундан бироз юқори бўлади.

Ўрта Осиё районлари узра ҳаво массаларининг ғарбдан-шарқдан кириб келиши сақланиб туради. Бу даврда Ўзбекистон территориясида иссиқ ва қуруқ ҳаво сақланиб туради. Ҳаво ҳарорати кечаси 18—23 даража, кундузи 33—38 даража атрофида бўлиши кутилади. Республиканинг жанубий областлари ва саҳро зонасида кечаси 20—25, кундузи 36—41 даражагача иссиқ бўлади.

Редактор И. СУЛАЙМОНОВ.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

ДУШАНБА

26 ИЮЛ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Д. Кабалевский, С. Маршак таржимасида Шекспирнинг 10 та сонети.
10.05 «Ҳайвонот оламида».
11.05 Болалар учун фильм. «Витя, Маша ва денгиз пиёдаси ҳақида».
12.10 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Кубанинг миллий байрами — Миллий кўзғолон кунига. Кинопрограмма.
15.40 В. В. Маяковский, «Жуда соз». Поэма.
16.40 «Сен қонунни биласанми!».
17.25 Операларидан ариялари Молдавия ССР халқ артисти В. Савицкая ижро этади. Кишинёвдан олиб кўрсатилади.
18.00 «Сиз яратган боғ».
18.30 «Орлёнок» телестудиясининг концерт зали.
19.15 «Махсус топшириқли поезд». Ҳужжатли фильм.
19.30 «Партия планлари — халқ планлари». Комсомол қурилиш отрядларининг Ленинград областидаги ноқоратупроқ ерларни ўзлаштириш тажрибасидан.
20.00 Бутунроссия конкурсининг лауреати А. Фраучи чалади (гитара).
20.20 «Аравакаш Геншель». ССР Иттифоқи Москва Бадиий театрининг фильм-спектакли. Автор — Г. Гауптман.
21.30 «Время».
22.05 «Аравакаш Геншель» фильм-спектаклининг давоми.
23.20 Балет ёш артистларининг концерти.
23.55 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Мальдивлар». Ҳужжатли фильм.
19.00 «Биргаликда аҳил оиламиз».
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
22.05 «Мен — Куба». Бадиий фильм. «Мосфильм» ва «Иканк» (Куба маҳсулоти. 1-серия.

● УзТВ I

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун фильмлар. «Славканинг дарёси», «Салом, Ральф».
18.40 «Усмир ва қонун».
19.10 СССР ташкил топгайлигининг 60 йиллигига. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қуролдош дўстлар» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ўзбекистон рассомлари кинематографчилар ҳузурида меҳмонда». Янги қуриб битказилган киночилар уйидан репортаж (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси мақомчилар ансамбли солистларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап!». Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Йўқолган гувоҳ». Бадиий фильм.
23.45 Янгиликлар.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41*

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 33-44-43 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 03048. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босма хонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64543. А. 1076. 13